

*“Ўзбекистон почтаси” АЖнинг
2024 йилга мўлжалланган
БИЗНЕС-РЕЖАСИ*



МУНДАРИЖА

I.	Кириш	2
II.	Жамият ҳақида маълумот	5
III.	Жамиятнинг мақсад ва вазифалари	13
IV.	Кадрлар сиёсати 4.1. Ўқув марказ фаолияти	15
V.	Маркетинг фаолияти	18
5.	5.1 Почта хизматлари бозори ва ундаги рақобат муҳити 5.2 Жамиятнинг почта бозоридаги мавқеини ошириш 5.3 Бренднинг ва маркетинг 5.4 Брендни ўзгартириш ва суббренднинг 5.5 «Ўзпочта» академияси 5.6 Мижозларга хизмат кўрсатиш бўлимини яратиш	
VI.	Жамиятни ривожлантириш йўналишлари:	27
6.	6.1 Ёзма хат-хабарларни ташиш ва курьерлик хизматлар 6.2 Электрон тижорат бозоридаги фаолияти 6.3 Молиявий хизматлар бозоридаги фаолияти 6.4 Почта алоқаси объектларида давлат хизматларини кўрсатиш 6.5 Логистика йўналиши бўйича 6.6 Бошқа қўшимча хизматлар	
VII.	Инвестиция фаолияти	35
VIII.	Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш истиқболлари	41
IX.	Почта хавфсизлигини таъминлаш	49
X.	Молиявий фаолият таҳлили	54
XI.	“Ўзбекистон почтаси” АЖ фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари	65

I. Кириш

Почта алоқаси соҳаси Ўзбекистон давлати хўжалик ва ижтимоий инфраструктурасининг ажралмас қисми ҳисобланади. Бугунги кунда Жамиятда почта алоқаси хизматларини кўрсатиш билан бирга ахборот-коммуникация технологиялари негизида янги хизмат турларини ривожлантириш ва жорий этиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Почта алоқасини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш ва унинг фаолияти самарадорлигини ошириш, шунингдек, “Почта алоқаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳамда 2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг қабул қилинган дастурини бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 июлдаги “Почта алоқаси соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш тўғрисида”ги 339-сон қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорга мувофиқ “Ўзбекистон почтаси” давлат акциядорлик компанияси ва таркибидаги акциядорлик жамиятлари негизида “Ўзбекистон почтаси” очик акциядорлик жамияти ташкил этилди ва аввалги вилоят акциядорлик жамиятлари филиалларга айлантирилди.

Мазкур қарор билан “Ўзбекистон почтаси” очик акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси почта алоқасининг миллий оператори этиб белгиланган ва унга почта алоқаси хизматлари бозоридаги талабни қондириш, республиканинг бутун ҳудудидаги барча фойдаланувчилар учун ягона қоидалар ҳамда талаблар асосида мажбурий тартибда почта алоқаси универсал хизматлари кўрсатиш вазифаси юклатилди.

Умумжаҳон почта иттифоқи 1874 йилда ташкил топган бўлиб, почта секторининг (ҳукумат, бошқарувчи, операторлар) иштирокчилари ўртасида ҳамкорликни амалга ошириш учун асосий майдонни, бошқарув аъзолигини, маслаҳатлик ва координацион вазифаларни бажаради.

Умумжаҳон почта иттифоқи халқаро шартномаларни тузади ва почта алоқаси хизматлари алмашинуви учун стандартларни ишлаб чиқади. Халқаро почта алмашинувиға тегишли эксплуатацион ва техник масалалари Умумжаҳон почта иттифоқи доирасида муҳокама қилинади. Бундан ташқари, ўзининг почта технологиялари маркази ёрдамида, Умумжаҳон почта иттифоқи бутун дунё почта хизматларига замонавий техник ечимларини тақдим қилади. Бу эса хизмат сифатларини ошириш ва алмашув хавфсизлигини таъминлашда ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси 1994 йилдан бошлаб, Умумжаҳон почта иттифоқининг тўла ҳуқуқли аъзоси ҳисобланади. Умумжаҳон почта иттифоқиға аъзо мамлакатлар ҳукуматлари универсал почта хизматларини кўрсатишға мажбурлар, яъни ўз ҳудудларидаги барча фуқароларға мақбул нархларда асосий почта хизматлари билан таъминлашлари лозим.

2000 йил 31 августда Ўзбекистон Республикасининг “Почта алоқаси тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди ва 2009 йил 22 апрелда Қонунга қўшимча ўзгартиришлар киритилиб, янги таҳрири қабул қилинди.

Шу таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Хукумат томонидан почта алоқаси соҳасига юксак эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2020 йил 14 декабрдаги “Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4921-сонли қарори тасдиқланди. Мазкур Қарордан мақсад почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш, почта алоқаси хизматларини тақдим этиш фаолиятини тўлиқ автоматлаштириш орқали почта ривожланиши индекси глобал рейтингида мамлакатимизни биринчи 50 таликка киритиш ҳамда соҳага энг илғор тажриба ва замонавий технологияларни жалб этишдан иборат.

Амалга оширилган ислохотлар натижасида 2023 йилнинг 5 октябр куни Ар-Риёд шаҳри (Саудия Арабистони)да бўлиб ўтган УПИнинг IV-Фавқулудда Конгрессининг Стратегик саммитида Ўзбекистон Республикаси “Почта тараққиётининг юксалувчи юлдузи” мукофоти билан тақдирланди. Ҳисобот даврида “Ўзбекистон почтаси” АЖ 2IPD 2023 бўйича УПИга аъзо 172 давлат орасида катта ютуқларга эришди.

Шунингдек, 2022 йил 19 августдаги 23-сон баёни билан тасдиқланган “2022-2026 йилларда “Ўзбекистон почтаси” АЖни ислох қилиш стратегияси” Жамиятнинг келгусида почта алоқаси фаолиятини ҳориж тажрибаси асосида ҳамда замонавий технологияларни қўллаган ҳолда юритиш имконини беради.

Почта алоқаси соҳасининг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш почта алоқаси фаолияти самарадорлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланиб, норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қайта кўриб чиқиш норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш ва такомиллаштиришнинг энг муҳим босқичидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 14 декабрдаги “Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4921-сон Қарорига мувофиқ почта алоқасининг анъанавий хизматларини такомиллаштириш, янги хизмат турларини жорий этиш, уларни рақамлаштириш, жўнатмаларни қабул қилиш, кузатиб бориш ва етказиш жараёнларига ахборот технологиялари ва тизимларини жорий этиш ишлари амалга оширилаётганлиги муносабати билан Жамиятнинг ишлаб чиқариш (эксплуатацион) фаолиятига доир барча норматив ҳужжатлар қайта кўриб чиқилиши лозим.

Почта алоқаси объектларини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва норматив ҳужжатлар билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга эканлигини инобатга олиб, почта алоқаси объектларида актуаллаштирилмаган, бекор қилинган норматив ҳужжатлардан фойдаланиш ҳолатларини олдини олиш, норматив ҳужжатлар билан таъминланганлик ҳолатини яхшилаш, Жамият фаолиятига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва норматив ҳужжатларни жойлаштириш имконини берувчи Жамиятнинг янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва

норматив ҳужжатлар электрон базасини яратиш ва ушбу базани мунтазам юритилишини таъминлаш мақсадида Жамиятнинг 2024 йилги бизнес-режасига Норматив ҳужжатлар электрон базасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги кунда “Ўзбекистон почтаси” АЖ томонидан аҳолига рентабель бўлмаган универсал хизматларни кўрсатади. Шунингдек, почта алоқаси тармоғи мижозларни ишончига эришиш ва давлат сиёсатини ўтказишга ёрдам беради.

II. Жамият ҳақида маълумот
Номланиши, реквизитлари, тузилиши

Тўлиқ номи	“Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамияти
Рўйхатга олган орган	Тошкент ш., Юнусобод туман ҳокимияти
Рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома	2014 йил 6 август 001310-сонли гувоҳнома
Манзил	Ташкент ш., Юнусобод туман, Олой кўчаси, 1 уй.
Телефон/факс	(998-71) 236-76-25, (998-71) 236-09-21
Электрон манзил	info@post.uz
Асосий фаолият	Миллий оператор сифатида почта алоқаси хизматларини кўрсатиш
Ҳисоб-рақам	2021 0000 9001 5526 6001 АТ “Алоқабанк” Бош офиси, МФО 00401 2021 0840 0001 5526 6001 (валюта АҚШ доллар) АТ “Алоқабанк” амалиёт бошқармаси, МФО 00401
СТИР	200 833 833
ХХТУТ	52 100 (почта алоқаси)
Устав капитали	38,1 миллиард сўм
Фаолият даври	Чекланмаган
Бош директор	Файзуллаев Алишер Насибуллаевич
Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлар департаменти бошлиғи	Юсупов Юсупбой Эргашевич

Жамият алоҳида юридик шахс ҳисобланиб, мустақил балансга, юмалок ва бурчак муҳрга эга. Жамиятда қуйидаги кодлар мавжуд:

Код (қисқартирилган)	Рақамли белги	Изоҳ
ТХШТ (ОПФ)	1151	Ҳуқуқий шакли акциядорлик жамияти
МҲОБТ (СОАТО) – маъмурий ҳудудий объектларни белгилаш тизими	1 726 266	Тошкент ш. Юнусобод тумани
КТУТ (ОКПО)	1484 2719	
ХХТУТ (ОКОНХ) - Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётининг тармоқлари таснифи	52 100	Почта алоқаси соҳаси
СТИР (ИНН)	200 833 833	Солиқ тўловчининг идентификация рақами

“Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамияти Уставига асосан устав фонди тўлиқ жойлаштирилган ва 19 976 948 дона акцияларни ташкил этиб, бир дона акциянинг номинал қиймати 1 905 сўм этиб белгиланган.

2022 йил 28 июнь ҳолатига устав фонди қуйидагича тақсимланган:

"Ўзбекистон почтаси" АЖнинг қўшимча акциялари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4921-сонли Қарори 17-иловасида келтирилган ташкилотлар ўртасида 100,0 млрд.сўми жойлаштирилганидан кейин акциядорлар тўғрисида маълумот

Акциядорлар	Акциядорлар сони	Оддий акциялар сони	Имтиёзли акциялар сони	Жами акциялар сони	Фоизда
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги	1	6 295 531	-	6 295 531	31,51%
Юридик шахслар	22	12 925 829	741	12 926 570	64,71%
Жисмоний шахслар	15 882	528 810	226 037	754 847	3,78%
Жами	15 904	19 750 170	226 778	19 976 948	100,0%

Жамият акцияларининг тақсимланиши

№	Номланиши	Акциялар сони (дона)	Акцияни номинал қиймати (сўмда)	Фоизда
	Устав фонди	19 976 948	38 056 085 940	100,0
I.	Жисмоний шахслар улуши:	755 588	1 439 395 140	3,8
II.	Оддий акциялар	528 810	1 007 383 050	2,6
III.	Имтиёзли акциялар	226 778	432 012 090	1,1
	Юридик шахслар улуши:	19 221 360	36 616 690 800	96,2
1	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги	6 295 531	11 992 986 555	31,5
2	<i>АТ "Алоқабанк"</i>	<i>5 863 039</i>	<i>11 169 089 295</i>	<i>29,3</i>
3	<i>"Ўзбектелеком" АК</i>	<i>1 176 754</i>	<i>2 241 716 370</i>	<i>5,9</i>
4	<i>"Агробанк" АТБ</i>	<i>586 303</i>	<i>1 116 907 215</i>	<i>2,9</i>
5	<i>АТ "Халқ банки"</i>	<i>586 303</i>	<i>1 116 907 215</i>	<i>2,9</i>
6	<i>"Асака" АТБ</i>	<i>879 455</i>	<i>1 675 361 775</i>	<i>4,4</i>
7	<i>"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ</i>	<i>879 455</i>	<i>1 675 361 775</i>	<i>4,4</i>
8	<i>"Ташиқи иқтисодий фаолият миллий банки" АЖ</i>	<i>1 172 607</i>	<i>2 233 816 335</i>	<i>5,9</i>
9	<i>"Қишлоқ қурилиш банк" АТБ</i>	<i>586 303</i>	<i>1 116 907 215</i>	<i>2,9</i>
10	"KONSTANT INVESTMENTS" ХК МЧЖ	853 031	1 625 024 055	4,3
11	"ИНЛЕКС" МЧЖ Илмий ишлаб чиқариш фирмаси	277 021	527 725 005	1,4
12	"Элит Модел Менеджмент СНГ" МЧЖ	26 160	49 834 800	0,1
13	"Diamond Age Russian Investments Limited" МЧЖ	22 000	41 910 000	0,1
14	"FOYKON" АЖ	7 746	14 756 130	0,04
15	"Азиз" фирмаси	3 880	7 391 400	0,02
16	"Сурхондарё ТЭК" МЧЖ	2 055	3 914 775	0,01
17	"Markaziy Qomita" O'zbekiston Aloqa Xodimlari	1 195	2 276 475	0,01
18	O'zbekiston axborot texnologiyalari va ommaviy kommunikatsiya xodimlari kasaba uyushmasi	250	476 250	0,001
19	"Хоразм почтаси" ХЖ	1 036	1 973 580	0,005
20	"Хоразм хакикати" таҳририяти газетаси	414	788 670	0,002
21	"Матбуот тарқатувчи" ШК	411	782 955	0,002
22	"Жануб вақти" таҳририяти газетаси	411	782 955	0,002

Жамият бошқарув органи

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши;
- Кузатув кенгаши;
- Ижроия органи.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг юқори бошқарув органидир. Акциядорлар умумий йиғилишининг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майдаги “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 370-сон Қонуни, Жамият Устави, корпоратив Кодекс ва ички ҳужжатлари билан белгиланади.

Жамиятнинг Кузатув кенгаши Жамият фаолияти юзасидан умумий раҳбарликни амалга оширади, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майдаги “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 370-сон Қонуни билан Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

Жамиятнинг ташкилий тузилмаси

Жамиятнинг ташкилий тузилмаси «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамиятининг 2022 йил 28 июндаги акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган.

“Ўзбекистон почтаси” АЖ

Бошқарув аппарати

- ❖ Бош директор
 - акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими
 - юридик бўлими
 - персонални тайёрлаш ва ривожлантириш бўлими
 - ўқув марказ
 - коррупцияга қарши комплаенс хизмати
 - бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлар департаменти
 - молиявий-хўжалик фаолияти ҳисобини юритиш бўлими
 - ғазначилик бўлими
 - солиқ ва молиявий ҳисоботлар бўлими
 - молиявий ва операцион назорат бўлими
 - бош директор ёрдамчиси
 - ишлар бошқармаси
 - ишлаб чиқариш ва ёрдамчи ходимлар

- худудий ва ихтисослаштирилган филиаллар
- ❖ Ишлаб чиқариш бўйича директор
- почта хизматини ривожлантириш департаменти
 - давлат хизматларини ривожлантириш бўлими
 - гибрид почта ва курьерлик хизматларини ривожлантириш бўлими
 - халқаро алоқалар ва хизматлар бўлими
- логистика ва ишлаб чиқариш департаменти
 - почта алоқаси тармоғи эксплуатацияси бўлими
 - логистика бўлими
- стандартлаштириш ва сифат назорати бўлими
- мурожаатлар билан ишлаш ва ижро интизоми бўлими
- ❖ Молия бўйича директор
- молиявий хизматларни ривожлантириш департаменти
 - молиявий хизматларни ривожлантириш бўлими
 - молиявий хизматлар кузатуви ва мониторинг бўлими
- стратегия ва иқтисодий сиёсат департаменти
 - стратегик режалаштириш ва тарифлар бўлими
 - халқаро ҳисоб-китоблар бўлими
- рақамли технологияларни ривожлантириш департаменти
 - рақамли маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўлими
 - техник таъминлаш бўлими
- бизнесни ривожлантириш департаменти
 - тижорат хизматларини ривожлантириш бўлими
 - маркетинг бўлими
- кўчмас мулкни бошқариш ва автотранспорт бўлими
- ❖ Почта хавфсизлиги бўйича директор
- почта хавфсизлиги бўлими
- даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш хизмати
- махсус ишлар бўлими
- меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги хизмати
- эътирозномалар бўлими.

❖ Вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳар филиаллари

- туманлараро ва туман почта алоқаси боғламаси (ТАПАБ, ТПАБ)
- шаҳар, туман ва қишлоқ почта алоқа бўлимлари (АБ)

Махсус филиаллар

- ❖ “Халқаро почтамм”
- ❖ “Халқаро тезкор почта”
- ❖ “Ўзбекистон маркаси”
- ❖ “Матбуот тарқатиши”

“Ўзбекистон почтаси” АЖнинг хўжалик фаолиятини бошқариш Жамият Бош директори томонидан якка тартибда амалга оширилади.

Филиал ва таркибий бўлинмалар фаолияти Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган Низомлар асосида амалга оширилади. Ишлаб чиқариш бўлинмалари ўртасида вазифаларнинг тақсимооти Жамият Устави ва тегишли Низомлар билан белгиланган.

Жамият Ижро органи ваколатларига Жамиятнинг жорий фаолиятини бошқариш бўйича барча масалалар киради, акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг ваколатлари доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

Жамиятни бошқариш корпоратив бошқарув тамойилларига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

Корпоратив бошқарувнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- акциядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;
- Жамиятнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш;
- Жамиятнинг ривожланиш стратегиясини белгилаш ва унинг амалга оширилишини назорат қилиш;
- Жамият Бизнес-режасини тасдиқлаш ва унинг бажарилишини назорат қилиш.

Юқорида айтиб ўтилганлар Жамиятга молиявий ва инсон ресурсларини жалб қилиш, самарали фаолият юритиш ва шу тарзда ўз акциядорлари учун узоқ муддатли иқтисодий қийматни ишлаб чиқариш орқали акциядорлар, бошқа манфаатдор шахслар ва Жамиятнинг манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда, доимий фаолият юритишни таъминлаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасида почта алоқаси

Ўзбекистон Республикаси почта хизмати ўзининг почта алоқа объектларининг тармоқлари ва почта йўналишлари орқали, почта жўнатмалари, курьерлик жўнатмаларини қабул қилиш, ишлов бериш ва уларни етказиб бериш, пул ўтказмалари хизмати, шунингдек шартнома асосида почта хизматларини кўрсатиш, даврий матбуот нашрларига обуна уюштириш ва унинг чакана савдоси ҳамда даврий матбуот нашрларни обуначиларга етказиб бериш, шунингдек турли хилдаги тўловларни қабул қилиш хизматларини кўрсатади.

Республика миллий почта алоқаси тармоқлари географик ҳудудга кўра “Ўзбекистон почтаси” акциядорлик жамияти томонидан ташкил этилган. У 14 та ҳудудий филиалларни, ўз навбатида филиаллар таркибида ташкил этилган 165 та туман ва туманлараро почта алоқаси боғламаларини, 1 660 та алоқа бўлимларини, 2 та кўчма алоқа бўлимларини, ихтисослаштирилган “Халқаро почта”т”, “Халқаро тезкор почта”, “Ўзбекистон маркаси” ва “Матбуот тарқатиш” филиалларини ўз ичига олади.

Шу билан бирга, 71 та ҳорижий мамлакатларга авиа, республика ичида 3 та авиа, 7 та магистрал ва 286 та автомобил почта йўналишлари доимий равишда почта жўнатмаларини ва даврий матбуот нашрларини ташишда хизмат қилади. Хизмат кўрсатиш ҳудудларида оддий хатларни йиғиб олиш учун жами 2 344 та почта қутилари, шундан 1 507 таси қишлоқ жойларида ўрнатилган.

Жамият Ўзбекистон Республикасида почта хизматининг миллий оператори ҳисобланиб, бутун дунё бўйлаб, барча турдаги почта жўнатмалари алмашинувини амалга оширади ва Ўзбекистон Республикасининг Умумжаҳон почта иттифоқи (УПИ) олдидаги мажбуриятини бажаради. Жамият почта алоқаси соҳаси бўйича халқаро ташкилотлар ва бошқа давлат корхоналари билан технология ҳамда молиявий масалалар юзасидан мулоқат қилиш ҳуқуқига эгадир.

Ишлаб чиқаришда корхонанинг хизмат кўрсатиш даражаси, замонавий талабларга жавоб бера олиш, мижозларни талабларини қондира олиш ва УПИ меъёрларига асосан почта жўнатмаларига сифатли ишлов беришни таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида почта алоқаси соҳасини ривожланишида асосий йўналишлар (омиллар) ҳисобланади.

Жамият миллий инфраструктуранинг муҳим таркибий қисмидан бири ҳисобланиб, почта жўнатмаларини (товарлар) элтиб бериш хизматларини кўрсатиш ва корхоналарнинг корпоратив ҳужжатларини айирбошлашдаги кўрсатаётган ёрдами орқали бошқа тармоқларнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг “Почта алоқаси тўғрисида”ги 777-ЎРҚ-сон Қонунининг 12-моддасига асосан Почта алоқаси универсал хизматлари рўйхати ишлаб чиқилган ва 2022 йил 26 сентябрда Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан келишилган ҳамда тасдиқланган.

Шу билан биргаликда 2023 йилда Жамият тизимидаги почта алоқаси корхоналари томонидан бир неча миллион миждозларга кенг кўламдаги почта ва молиявий хизматлар тақдим қилиб келинмоқда, жумладан:

- 7,4 млн. дона ёзма хат-хабарлар;
- 79,0 минг дона посилка;
- 11,8 млн. нусха газета ва журнал;
- 180,0 минг дона пул ўтказмалари;
- 19,3 млн. дона гибрид почта жўнатмалари ўз вақтида етказиб берилмоқда.

Бундан ташқари, коммунал тўловлар, бюджет тўловлари, рақамли телевидение, мобиль ва стационар алоқа воситалари ва бошқалар учун абонент тўловларини қабул қилиш, мобиль алоқа компаниялари учун диллерлик хизмати (сим карталар сотиш), суғурта полисларини сотиш ва бошқа хизматлар кўрсатилиб келинмоқда.

III. Жамиятнинг мақсад ва вазифалари

Жамият аҳоли, давлат, корхона ва ташкилотлар эҳтиёжларини сифатли ва ишончли почта алоқаси хизматлари билан таъминлаш мақсадида ташкил этилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси почта алоқасининг миллий оператори ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, Жамиятнинг асосий мақсади қуйидагилар ҳисобланади:

- ✓ аҳоли, ташкилот ва давлат эҳтиёжларини сифатли ва ишончли почта алоқаси хизматлари билан таъминлаш;
- ✓ воситалар ҳамда тармоқларни замонавийлаштириш ва техник қайта таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, почта алоқаси соҳасидаги жаҳон ютуқларини тизимга жорий этиш;
- ✓ бозор ислоҳотларини янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш, Ўзбекистон Республикаси почта алоқасини жаҳон почта алоқаси тармоғига интеграциялашувини таъминлаш;
- ✓ почта алоқаси хизматларининг мониторингини ўтказиш, почта алоқаси тармоқ ва технологиясини ривожлантириш ва такомиллаштириш учун сармояларни, жумладан чет эл сармояларини жалб этиш;
- ✓ почта алоқаси тармоғини барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида Жамиятнинг таркибий бўлинмаларини бошқариш;
- ✓ почта алоқаси хизматлари бозоридаги талабни қондириш, республиканинг бутун ҳудудидаги барча фойдаланувчилар учун ягона қоидалар ва талаблар асосида мажбурий тартибда почта алоқаси универсал хизматларини кўрсатиш;
- ✓ почта алоқаси соҳасида иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, уни хўжалик юретишнинг бозор шароитларига ўтказиш, кўрсатиладиган хизматлар турларини кенгайтириш;
- ✓ почта алоқаси хизматлари ва қўшимча хизматлар кўрсатиш учун почта алоқаси тармоқлари ва воситаларини эркинлаштириш ҳамда ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш, уларни фойдаланувчиларга яқинлаштириш;
- ✓ почта жўнатмаларини, почта орқали пул маблағлари жўнатмаларини халқаро айирбошлашни ташкил этиш ва амалга ошириш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Бутунжаҳон почта иттифоқининг ҳужжатларидан келиб чиқувчи мажбуриятларни бажариш;
- ✓ почта алоқаси тармоқларида ёзишмаларнинг махфийлигини ва почта хавфсизлигини таъминлаш;
- ✓ маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш, бозор конъюнктурасини ҳисобга олган ҳолда паст нархлардаги хизматларнинг янги турларини жорий этиш йўли билан почта хизматлари бозоридаги рақобатбардошлиликни ошириш;
- ✓ почта алоқаси сифати ва ишончлилигини ошириш учун ахборот технологияларини қўллаш;

✓ почта алоқаси соҳасида мутахассислар тайёрлашнинг юқори даражасини таъминлаш.

Жамиятнинг стратегик мақсади республика миқёсида мижозларга почта, логистика ва молиявий хизматларни даромадли, ишончли ва замонавий кўринишда тақдим этишдир.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидагилар зарур:

- логистиканинг сифати ва самарадорлигини ошириш, автоматлаштирилган логистика марказини яратиш;

- почта алоқаси объектлари самарадорлигини ошириш, технологик жараёнларни ўзгартириш, ИТ тизимларини модернизация қилиш;

IV. Кадрлар сиёсати

Корпоратив бошқарув бўйича кадрлар салоҳиятини ошириш, ходимларни ўқитиш, жаҳон андозасига мос равишда ўзгартириш, почта алоқаси боғламаларида почта алоқасининг келгуси фаолиятини янада яхшилаш, бўлғуси салбий ҳолатларни олдини олиш йўлида ходимларнинг билим-маҳорати катта аҳамиятга эга.

“Ўзбекистон почтаси” АЖ тизимида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг умумий сони **7 557** нафар бўлиб, улардан **588** нафар ходимлар ҳозирги кунда бола парваришlash таътилида.

Маълумоти бўйича:

- олий маълумотлилар **897** нафар (11,8 %);
- ўрта-махсус маълумотлилар **4 765** нафар (63 %);
- ўрта маълумотлилар **1 895** нафар (25 %).

Шунингдек, маъмурий-бошқарув аппарати ходимлари **715** нафар, ишлаб чиқариш ходимлари **6 842** нафардан иборат.

“Ўзбекистон почтаси” АЖ тизимида фаолият кўрсатувчи ходимларнинг 90 фоиздан ортиқроғи бевосита почта алоқаси хизматларини кўрсатишга жалб этилган.

Бугунги кунда, 161 та туман (туманлараро) почта алоқаси боғламаларининг **142** нафар бошлиқларидан **58** нафари (40,8 %) ўрта-махсус маълумотли бўлгани учун, асосий эътиборни кадрлар тайёрлашга қаратиш лозим. Жойларда олий маълумотли мутахассис ходимлар етишмовчилиги сабабли, бошқа соҳалардан олий маълумотли мутахассисларни жалб этиш ёки почта алоқаси объектларидаги юқори малакали, кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган ўрта-махсус, ўрта маълумотли ходимларни раҳбар лавозимларга тайинлашга тўғри келмоқда.

Шунингдек 161 та туман (туманлараро) почта алоқаси боғламаларининг **149** нафар бошлиқ ўринбосарларининг **45** нафари (30,2 %) олий маълумотга эга.

Кадрларни бундай таркиби, яъни ўрта-махсус ва ўрта маълумотли ходимларнинг салоҳияти, малакаси бўйича рақобат муҳитининг етишмаслиги, филиал ва почта алоқаси объектларининг раҳбар лавозимларига кадрлар захирасини шакллантиришда ҳамда ходимларнинг бошқа лавозимларда тажриба алмашиши ва ротация қилишга имкон бермаслик ҳолатлари учрамоқда. Бу эса, ўз ўрнида почта соҳасида кадрлар сиёсатига ўз таъсири ўтказмасдан қолмайди.

Филиаллар марказий аппарати ва туманлараро почта алоқаси боғламалари раҳбар ходимлари ва мутахассис лавозимларида фаолият юритаётган ўрта-махсус маълумотли ходимларни босқичма-босқич Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг сиртқи бўлимлари орқали ўқитиш йўлга қўйилган.

2017 йилдан жами 112 нафар, бугунги кунда 55 нафар ходимлар тўлов-контракт асосида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда мақсадли ўқитилмоқда.

2023/2024 ўқув йили учун Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг сиртки бўлими таълим йўналишларига суҳбат асосида ўқишга 29 нафар ходимлар тавсия этилди.

Жорий йилнинг 9 ойида раҳбар ходимлар, мутахассислар ва почта алоқаси боғламаларининг хизмат кўрсатувчи ходимларининг 4071 нафари ўз малакасини оширдилар.

Улардан:

487 нафари - республикадаги малака ошириш ўқув марказларида ҳамда Рақамли технологиялари вазирлиги ва вилоят Ҳокимликлари томонидан ташкиллаштирилган ўқув семинари ва машғулотларида;

336 нафари - Жамият томонидан ташкил этилган почта алоқасини такомиллаштиришга асосланган онлайн (ZOOM орқали) ва офлайн ўқув семинари ва машғулотларида;

3248 нафари – филиалда (жойларнинг ўзида) “Почта логистикаси автоматлаштирилган тизими”, “Shipox” дастури, “1С бухгалтерия” дастури, "Почта хавфсизлиги ва коррупцияга қарши кураш" мавзусида ва яна бир қанча долзарб масалаларида семинар ва ўқув машғулотларида малакасини оширдилар.

Почта алоқаси соҳасида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш ишларининг кенг қамровда олиб борилиши келгусида почта алоқаси соҳаси фаолиятининг юқори натижаларга эришиш учун имкон беради.

Кадрлар сиёсати почта алоқаси боғламалари фаолиятининг юқори натижалари билан пухта билим ва тажрибага эга бўлган малакали ходимларнинг самарали жамоасини шакллантиришнинг ўзаро боғлиқлик тамойиллари негизида асосий йўналишларини белгилаб беради, бу эса почта соҳасининг муҳим жорий ва келгуси вазифаларини ҳал этишнинг ажралмас қисми ҳисобланади:

- почта алоқаси соҳасида кадрлар салоҳиятини шакллантириш;
 - почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш;
- малака ошириш тизими даврийлигини раҳбар ходимлар учун 2-3 йил ва бошқа ходим ва мутахассислар учун 2-4 йил бўлишига эришиш.

4.1. Ўқув марказ фаолияти

“Ўзбекистон почтаси” АЖда 2023 йилда жорий этилган марказ ўз олдига қатор вазифаларни қўйган:

- 2023 йил охирига қадар мамлакатнинг барча почта алоқаси бўлимларида барча тармоқ ходимларини қайта тайёрлаш бўйича кенг қўламли режа ишлаб чиқиш;

- линия ходимлари (филиаллар директорлари ва уларнинг ўринбосарлари, почта алоқаси боғламалари ва почта алоқа бўлимларининг почта операторлари, саралаш бўлимлари ходимлари, саралаш бўлими хавфсизлик ходимлари, почтальонлар, курьерлар, эскортлар ва ҳайдовчилар) учун ягона янгиланган меҳнат стандартларини қайта кўриб чиқиш ва яратиш;

- лавозим йўриқномаларини қайта кўриб чиқиш ва яратиш, почта тизимидан фойдаланиш бўйича ўқув қўлланмалари, ҳар бир ихтисослашув бўйича ўрганиш ва билимларни мониторинг қилиш тизимлари учун мажбурий бўлган асосий қоидалар ва постулатлар;

- линия ходимлари тўғрисида маълумот тўплаш, улар билан алоқа қилиш ва қайта алоқа қилиш учун ягона маълумотлар базасини яратиш;

- офлайн ва онлайн ўқитиш, қўллаб-қувватлаш, баҳолаш ва таҳлил қилиш учун лойиҳа яратиш;

- тестларни тайёрлаш ва таҳлил қилишни бошлаш, такомиллаштиришни ишлаб чиқиш ва барча почта алоқаси объектлари бўйлаб жорий қилишни бошлаш;

- янги линия ходимлари учун ягона тўплам ва таҳлилий маълумотлар базасини яратиш;

- бутун республика бўйлаб марказлаштирилган борт тизими ва лойиҳани кенг қўламда амалга ошириш режаси.

Шунингдек, 2024 йил давомида 3 200 нафардан ортиқ раҳбар ходимлар, мутахассислар ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг малакасини ошириш кўзда тутилган.

V. Маркетинг фаолияти

5.1 Почта хизматлари бозори ва ундаги рақобат муҳити

Ҳар бир мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида почта (куррьерлик) тизими жуда муҳим аҳамиятга эга. Самарадор почта тизими ички бозорда маҳсулотлар ва хизматларни харидорлар учун қулай шароит ва арзон нархларда етказиб берилишини таъминлайди, бозордаги рақобатни рағбатлантиради. Ривожланиб бораётган мамлакатимиз учун самарадор почта тизимини ташкил қилиш жуда ҳам муҳим омил ҳисобланади.

Бугунги кунда, почта ва куррьерлик хизматларини кўрсатиш бозори эркин бўлганлиги сабабли, Республикамиз ҳудудида миллий почта оператори “Ўзбекистон почтаси” АЖ билан бирга юздан ортиқ савдо тузилмалари (почта бозорининг нодавлат операторлари DHL, BTS, FedEx, Fargo, EMU, DMS ва бошқалар) мижозларга почта ва куррьерлик хизматларини кўрсатиб келмоқда. Шу ўринда, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонунининг 8-моддасида тадбиркорлик фаолияти субъектлари қонун ҳужжатларида тақиқланмаган ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга, шунингдек ўз фаолияти йўналишларини мустақил равишда танлаш ҳуқуқига эга эканликлари белгилаб қўйилган.

Миллий почта алоқаси операторининг фаолияти анъанавий почта алоқаси хизматларини - почта жўнатмаларини жўнатиш ва етказиб бериш, тўловларни қабул қилиш, даврий матбуот нашрларга обуна ва унинг чакана савдоси ва бошқаларни ўз ичига олади.

Жамият стратегияси “Ўзбекистон почтаси” АЖнинг янги бизнес сегментларни ишлаб чиқадиган, мижозларга йўналтирилган, ижтимоий масъулиятли, юқори самарали, ўз-ўзини бошқарадиган тайинланган почта алоқаси операторини яратиш мақсадида ислоҳ қилишни мақсад қилган.

Хизмат кўрсатиш сифати операторнинг ўзига хос хизматни тақдим этиш ва ундан фойдаланишни осонлаштириш қобилиятини аниқлаш учун мўлжалланган. Почта алоқаси хизматларининг сифат кўрсаткичлари эса почта алоқаси пунктлари ва почта алоқаси тармоқлари зичлиги ва уларнинг ишлаш муддати билан тавсифланади.

Почта алоқаси хизматларининг сифати қуйидагича ифодаланади:

- жўнатиш тезлиги;
- рақобат муҳити;
- логистикани такомиллаштириш;
- жўнатмаларни етказиб бериш тезлиги;
- мослашувчан тариф сиёсати;
- почта жўнатмаларини қайта ишлаш ва етказиб бериш;
- ҳаракатнинг барқарорлиги ва мунтазамлиги;
- почта жўнатмаларининг хавфсизлиги;
- почта алоқаси объектларининг фаолияти тўғрисида асосли шикоятнинг мавжуд эмаслиги;

- почта жўнатмаларининг ўғирланиш ва йўқотилиш ҳолатларининг мавжуд эмаслиги.

Почта алоқаси хизматларининг янги тузилмасини шакллантириш “Ўзбекистон почта” АЖ хизматининг сифати кўрсаткичлари ва стандартларини Умумжаҳон почта иттифоқи томонидан кўзда тутилган почта стратегиясининг талабларига мувофиқ олиб бориш унинг асосий вазифасидир.

Ўзбекистон Республикасининг почта алоқасини ривожлантириш дастурида ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш, алоқа хизматлари бозорининг янги сегментларини киритиш орқали миллий операторнинг почта алоқаси тармоғини ривожлантириш кўзда тутилган.

Асосий йўналиш – “Ўзбекистон почтаси» АЖнинг компьютер техникаси ва ахборот технологиялари билан жиҳозланган корпоратив маълумотлар узатиш тизимини босқичма-босқич яратиш ва замонавий хизматларни жорий этишдан ибратдир.

5.2 Жамиятнинг почта бозоридаги мавқеини ошириш

Почта алоқасининг ривожланиши почта хизматлари бозорининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тегишли давлат сиёсатини амалга оширишни талаб қилади. Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимияти органлари томонидан мунтазам равишда ушбу соҳанинг ривожланишини кўриб чиқилади, мақсадларга аниқлик киритилади ва уларга эришиш бўйича вазифалар белгилаб олинади. Ушбу иш натижалари қонун ҳужжатлари, давлат органларининг қарорлари ва меъёрий ҳужжатларида акс эттирилади.

Почта алоқаси тармоғини янада ривожлантириш биринчи навбатда уларнинг универсаллигини ва мавжудлигини оширишга қаратилиши керак ва қуйидагилар учун амалга оширилади:

✓ янги технологияларни жорий этиш йўли билан кўрсатилаётган почта хизматлари сифатини ошириш ва кўрсатилаётган хизматлар рўйхатини кенгайтириш;

✓ почта алоқаси соҳасидаги бозор механизмларини фаоллаштириш;

✓ Жамиятнинг инвестицион жозибadorлигини ошириш;

✓ почта хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш.

Ушбу мақсадларга эришиш учун қуйидаги ишлар амалга оширилиши лозим:

➤ почта алоқаси соҳасидаги фаолиятнинг механизмини тартибга солиш ташаббуси билан чиқиш;

➤ почта хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ташкилотларни молиялаштириш (кредитлаш) механизмларини самарали амалга ошириш;

➤ иқтисодиёт талабларига ва истеъмолчининг эҳтиёжларига жавоб берадиган почта хизматлари сифатини баҳолашнинг объектив кўрсаткичлари;

➤ почта хизматлари бозорининг мавқеи ва ривожланиш тенденциялари мониторинги учун самарали тизим;

- тақдим этилаётган хизматлар сифатини ошириш.

Почта алоқаси томонидан хизматлари бозорини ўрганишдаги ва унда почта ўз хизматларини илгари суриш бўйича аниқ фаолиятини ҳамда иккинчи тарафдан тадбиркорлар томонидан ўз мижозларининг талабларини ўрганиш ва уларни қондириш асосида даромад олиш билан боғлиқ фаолиятини тадбиқ этилади.

Почта алоқаси фаолиятида маркетинг йўналишини ривожлантиришда қуйидаги вазифаларни амалга ошириши белгиланган:

- мавжуд ва келажакдаги почта хизматларини белгилаб олиш;
- мижозларнинг ўсиб бораётган талабини тўлароқ қондириш мақсадида, почта хизматлари бозорида аниқ йўналишларни аниқлаб олиш;
- мавжуд ва келажакдаги почта хизмат турларини амалиётга киритиш бўйича қисқа ва узок муддатли мақсадларни белгилаб олиш;
- амалиётга янги почта хизмат турларини киритиш ва улар юзасидан почта назоратини олиб бориш бўйича дастурни ишлаб чиқиш.

Жамият томонидан кўрсатилаётган почта алоқаси хизматларидан фойдаланиш учун мижозларни жалб қилиш мақсадида, Жамият томонидан пухта маркетинг хизматини ривожлантириш бўйича йўналиш ишлаб чиқиш ва маркетинг иши самарадорлигини мунтазам ошириб бориш ва хизматларни сотиш жараёнига максимал даражада эътибор қаратиш ҳамда маркетинг иши самарадорлигини баҳолаб боришни ҳар чоракда йўлга қўйиш ишлари олиб борилади.

Ҳозирги кунда Ахборот технологияларини жорий қилиш туфайли иш юритиш маданиятининг электрон кўриниши шаклланмоқда, масофа қисқармоқда, вақт тежалмоқда, ишимизда иқтисодий самара ошмоқда. Мамлакатимизда замонавий ахборот технологиялари асосида янги турдаги банк хизматларини кўрсатиш, электрон тижорат, электрон тўловлар иш самарадорлигини ошириш учун хизмат қилмоқда.

Шу сабабли, “Ўзбекистон почтаси” АЖ электрон тижоратни янада ривожлантириш ва ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларини экспортини қўллаб қувватлаш мақсадида, Жамиятнинг Миллий онлайн савдо майдончаси фаолиятини йўлга қўйишни мақсад этган. Бу орқали нафақат тадбиркорлар балки, аҳолига ҳам қулайликлар яратиш режалаштирилган.

Шунингдек, Электрон тижорат соҳасида кенг имкониятларга эга бўлган автоматлаштирилган “Фулфилмент” марказини куриш орқали Республика ҳудуди бўйлаб электрон тижорат орқали қилинган буюртмаларни мижозларга тез ва сифатли етказиб беришни ташкил этиш.

5.3 Брендинг ва маркетинг

Маҳсулотларимиз ва хизматларимиз сифати билан бир қаторда жамоатчиликнинг Жамиятимиз ҳақидаги фикри шубҳасиз энг муҳим омиллардан биридир. “Ўзбекистон почтаси” АЖнинг жуда кам сонли курьерлик автомашиналари корпоратив идентификаторга мувофиқ

маркаланган. Машиналарнинг аксариятида реклама йўқ, фақат олд ойнада почта логотипи кўриниб туради. Почта транспорти бутун мамлакат бўйлаб ҳаракатланади. Шу сабабли, ушбу транспорт воситаларини одамлар тез-тез кўрадилар. Агар биз барча почта транспорт воситалари почта логоси билан маркаланган ҳолда хизмат кўрсатсак, реклама самарадорлиги энг юқори даражага етади. Ушбу турдаги реклама визуал ва босма оммавий ахборот воситаларидаги бошқа рекламаларга нисбатан кам бюджетни талаб қилади.

Бренд позицияси — бу истеъмолчилар онгида маҳсулот имиджини яратиш жараёни. Бу мақсадли аудитория онгида брендлар ҳақида биринчи таассурот уйғотишга ёрдам беради. Брендни истеъмолчи онг остига жойлаштириш жараёни истеъмолчиларда маҳсулот ёки хизмат ҳақидаги тасаввурни яратишга ёрдам берадиган ҳаракатлар тўпламидир. Бренд позицияси - бу маркетинг ва реклама орқали мақсадли аудитория сифатида белгиланган истеъмолчи онгида бренд ҳақида доимий ва алоҳида ўрин яратиш ишидир. Позицияни аниқлаш, рақобатчиларнинг хабардорлигини ошириш ва рақобатдош устунликка эришиш учун бошланғич нуқтадир.

Бу, шубҳасиз, қийин жараён, лекин у олиб келиши мумкин бўлган муваффақият сармоя киритишга арзийди. Кучли, яхши табақалаштирилган брендлар мижозлар эҳтиёжини қондириш, содиқлик, нархлар арзонлиги, рақобатчилар орасидаги устунлик ва самарали операциялар каби юқори даромадга эга бўлади.

Жаҳон амалиётидан олинган мисолларга кўра, почта ва юк ташувчи транспорт воситалари бир неча километр масофадан эътиборни жалб қилиши керак. UPS, DHL, РТТ, Russian Post автомобиллари шунга ўхшаш тарзда ишлаб чиқилган. Мижоз ва жамоатчилик онгида доминант ва кучли бренд имиджини яратиш учун барча фургонларни почта бренд логоси билан маркалаш жуда самарали бўлади.

5.4 Брендни ўзгартириш ва суббрендинг

Жамият ва иқтисодиёт ўзгарганда, янги тенденциялар ва мода тенденциялари пайдо бўлаётган жараёнда ташкилотнинг позицияси ҳам янгиланиши керак. Техника-технология соҳасидаги ўзгаришлар ва истеъмолчилар хоҳиш-истакларининг ўзгариши ҳам "қайта йўналтирилган" тадқиқотларни талаб қилади.

Компаниялар ўзларининг маҳсулот ва хизматларини сотиб олишнинг аниқ сабаблари ва афзалликларини ифодалаш учун истеъмолчилар онгида ўзларининг бренд идентификаторини жойлаштиришлари талаб қилинади.

Шу нуқтаи назардан, “Ўзбекистон почтаси” АЖ ўзининг асосий фаолиятини бутун мамлакат бўйлаб брендлаш, доминант ўринни эгаллаш, ташкилот бажарадиган асосий функциялар учун корпоратив ном, логотип, шиорни яратиши ва уни жамоатчилик ва истеъмолчи онгига жойлаши керак. Шундай қилиб, ўз фаолияти доирасида янада аниқроқ ҳаракатлар амалга оширилади ва бу ҳаракатлар миқдорлар орасида кенг тарқалади. Шу билан бирга, ташкилий ва бошқарув тузилмаси ушбу фаолият турларига мутаносиб ҳолда тузилиши мумкин.

Жамият фаолиятига юқори даражада таъсир кўрсатадиган кучли ва мустаҳкам ўрнатилган асосий брендни сақлаб қолиш учун баъзи фаолиятлар брендланиши керак.

Бизнинг банк ва тўлов тизимларимиз, электрон тижорат бизнесимиз, логистика ва курьерлик хизматларимиз қайта номланиши мумкин.

Мисоллар қуйидагича бўлиши мумкин;

- Унисавдо (мавжуд бренд)
- «Ўзпочта» логистика хизматлари
- «Ўзпочта» банк хизматлари
- «Ўзпочта» курьерлик хизмати
- «Ўзпочта» академияси
- «Ўзпочта» тўлов хизматлари ва бошқалар.

Ушбу турдаги хизматлар учун турли брендларни яратишнинг афзалликлари:

- Маҳсулот ва хизматларни осон таниб олиш имконини беради.
- Маҳсулот ва хизматларни бошқа маҳсулотлардан ажратишни таъминлайди.
- Маҳсулот ва хизмат сифатли деб қабул қилинишини таъминлайди.
- Маҳсулот ва хизматга ишончни таъминлайди.
- Маҳсулот ва хизматга содиқликни шакллантиради.
- Маҳсулот ва хизмат учун махсус нарх белгилаш имкониятини беради.
- Маҳсулот ва хизматни илгари суриш бўйича тадқиқот ўтказиш учун қулайлик яратади.
- Қонуний жиҳатдан турли хил маҳсулот хусусиятлари сақланиб қолади.
- Истеъмолчига обрў-эътибор беради.

“Ўзбекистон почтаси” АЖ мамлакатимиздаги энг машҳур брендлардан биридир. Ушбу афзалликдан фойдаланиш учун ушбу бренд тақдим этилаётган хизматларнинг турлари имкон қадар тез-тез янгиланиши фойдали бўлади. Ҳар бир ихтисослашган хизматнинг шахсий белгилари бизнеснинг ўсиб бораётганидан далолат беради.

Шундай қилиб, ҳар бир бренд истеъмолчи томонидан ушбу соҳадаги мутахассислик ва тажриба сифатида қабул қилинади. Биз ушбу турдаги хизматларни ребрендинг қилишни ва бренд оммалашувини оширишни тавсия қиламиз.

5.5 «Ўзпочта» академияси

Асосий фаолияти почта ва юк ташиш бўлган ёки фаолияти почта ва юк ташиш билан боғлиқ бўлган барча бўлимлар ва ходимларнинг билим ва кўникмалар талабларига мувофиқ ўқув фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга ошириш ва бошқариш учун касбий ўқув бўлинмасини яратиш.

Почта, банк, суғурта компаниялари каби ходимларни ўқитиш ва соҳани ривожлантириш мақсадида касб-хунар таълими бўлими ташкил этилиб, жаҳон амалиётида институт сифатида кўп тилга олинадиган «академия» сўзи қўлланилди.

Шу муносабат билан «Ўзпочта» академияси филиалини ташкил этиш орқали энг куйи бўғиндан юқори бўғингача бўлган барча ўқув фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлайдиган Касб-хунарга ўқитиш филиалини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

«Ўзпочта» академиясининг етакчи стратегик мақсадларидан бири «Ўзбекистон почтаси» АЖ ходимларининг ишбилармонлик кўникмаларини ривожлантириш, шунингдек, янги тижорат корхоналари учун зарур бўлган янги кадрларни тайёрлаш бўлади.

«Ўзпочта» академияси мотивация ва ишдан қониқиш ҳосил қилиши, шунингдек, «Ўзпочта»нинг барча ўқитиш ва ривожлантириш амалиётларини қўллаб-қувватлаши керак.

«Ўзпочта» академияси «Ўзпочта»ни қайта қуришни таъминлайдиган асосий институционал компетенциялар ва стратегияларни ўргатиш механизмларини яратадиган тарзда тузилиши керак. Бундан ташқари, янги ходимлар учун ахборотлаштириш ва корпоратив маданиятга мослашиш дастурларини ишлаб чиқиш.

«Ўзпочта» тармоқдаги ўзгаришлар ва ходимларнинг эҳтиёжларига эътибор қаратган ҳолда «Ўзпочта» ходимларига техник билим, кўникма ва шахсий ривожланишни таъминлаш орқали қўллаб-қувватловчи ўқув дастурларини тайёрлайди.

Ходимларнинг Туркия ва ҳорижда ўтказиладиган саммит, конференция ва семинарларда иштирок этиши жаҳон ва Ўзбекистондаги долзарб масалалар бўйича янгиликларни кузатиб боришлари, тармоқни кенгайтириш мақсадида қўллаб-қувватланади. Технология, инновациялар, долзарб тенденциялар каби масалаларни бош директорлик, санъат, соғлиқни сақлаш, тарих ва ҳоказолар

доирасида ўтказиладиган тадбирлар кун тартибига киритишини таъминлаш билан бирга, ташкилотнинг истак ва мақсадларини амалга ошириши мумкин.

Шундай қилиб, ўқув ташкилоти сифатида ўз ходимларини доимий равишда малакасини оширувчи мактаб яратилиши мумкин. Дунёда почта, юк, электрон тижорат доимий ривожланиш ва инновациялар жараёни давом этмоқда. Ривожланиш самарадорлигига институт ичида ёки ундан ташқарида олинган назарий ва амалий тарзда тажриба алмашиш орқали эришиш мумкин.

5.6 Мижозларга хизмат кўрсатиш бўлимини яратиш

Мижозларга хизмат кўрсатиш бўлими «Ўзпочта»да ташкил этиладиган call-марказ бўлиб, унинг вазифаси миждозларнинг электрон почта муурожаатлари ва кўнғироқларига жавоб бериш, миждозларнинг сўров ва шикоятларини қабул қилиш ҳамда уларни бевосита тегишли бўлимларга йўналтириш орқали ҳал этиш учун масъул бўлим сифатидаги тузилмаси ҳисобланади.

Бу миждозларнинг талаблари, умидлари ва устуворликлари миждоз томонидан тўғридан-тўғри акс этириладиган ва компаниянинг кўзгусига айланадиган маълумотлар йиғиладиган бирликдир.

Call-марказлар бутун дунёда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам аҳамияти ва вазифалари тобора ортиб бораётган замонавий дастур ҳисобланади.

Call-марказ кўплаб ташкилотларнинг интерактив ва осон фойдаланиш мумкин бўлган хизматидир.

Call-марказларнинг маркетингдаги ўрни миждозлар билан мулоқот қилишда ҳам корхоналарга, ҳам истеъмолчиларга катта фойда келтиради.

Call-марказларнинг энг катта афзаллиги шундаки, улар бизнес жараёнларига қараб келишув самарадорлигини оширади, шунингдек, миждозлар битимлари қийматини оширади.

Мавжуд миждозларни сақлаб қолиш нархи янги миждозни сотиб олишдан ўн баробар арзон. Call-марказларнинг яна бир аҳамияти шундаки, улар рақобат муҳитида компаниялар тобора кўпроқ дуч келадиган миждозларнинг содиқлигини ўрнатишга ёрдам беради. Миждозлар бир-бирлари билан мулоқот орқали маҳсулот ёки хизматлар ҳақида маълумот беришади. Маҳсулотдан мамнун бўлмаган миждоз ўз фикрини атрофидаги камида йигирма киши билан баҳам кўради, бу уларга бевосита таъсир қилади.

Call-марказларнинг роли миждозлар эҳтиёжини қондириш нуқтаи назаридан ва бизнес жараёнининг узлуксизлиги учун ҳам муҳимдир.

Call-марказлар ёрдамида миждозлар ҳақидаги маълумотлар бир марказда самарали тўпланади.

Call-марказнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Сўровни юбориш;
- Юк учун сўров;
- Электрон тижорат ва етказиб беришнинг бошқа турлари бўйича сўров;
- Почта индексини сўраш;
- Етказиб бериш муддатини сўраш;
- Юк ташиш харажатларини сўраш;
- Ахборотни қабул қилиш;
- Буюртма сўрови;
- Исм бўйича сўров;
- Чет элга етказиб бериш муддати;
- алимент тўлаш тўғрисида маълумот бериш.

Call-марказнинг афзалликлари:

- У почта алоқаси бўлими ва мижозлар ўртасида кўприк вазифасини бажаради;
- Мижозларнинг содиқлигини оширишга ёрдам беради;
- Алоқа назорат остида ва юқори сифатли тарзда тақдим этилади;
- Бу тизимдаги муаммоларнинг аниқланишини таъминлайди;
- Муаммони ҳал қилишни тезлаштиради;
- Мунтазам ва узлуксиз маълумотлар оқимини таъминлайди;
- Мижозлар базасини шакллантириш орқали маркетинг фаолиятини фаоллаштириш имконини беради;
- Маҳсулотлар/хизматлар/жараёнларни яхшилаш учун фикр-мулоҳазаларни тақдим этади;
- Ресурсларни самарали режалаштириш билан харажатларга ижобий таъсир кўрсатади, самарадорликни таъминлайди;
- ўз-ўзига хизмат кўрсатиш хизматларидан фойдаланишни қўллаб-қувватлайди;
- Мижозларнинг қониқшини оширади;
- Корпоратив имиджга ижобий таъсир кўрсатади.

Call-марказдан келган шикоятлар, сўровлар ёки таклифлар ҳар ойда хабар қилиниши керак. Уларни мавзу бўйича таснифлаш ва ойлик ўзгаришларни бир-бири билан солиштириш керак.

Шу тарзда кўрсатилаётган хизматлар самарадорлигининг ошиши ёки камайиши, шунингдек, мижозларнинг шикоятларидаги ўзгаришлар ҳар ой мониторинг қилиб борилади. Шикоятлар жамланган субъектлар ва ҳудудлари статистик таҳлил қилиниб, муаммолар манбаларини бартараф этилади. Шу нуктаи назардан, мижозларнинг шикоятлари баъзан муаммоларни ҳал қилиш ва тизимни такомиллаштириш учун муҳим ҳисса ҳисобланади.

Маркетинг бўлимининг 2024 йилга мўлжалланган бизнес-режаси:

1) UzPost бўлимларини YANDEX, GOOGLE ва 2GIS хариталарида онлайн мавжудлигини таъминлайдиган платформа бўлган Rocet Data билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ушбу платформа орқали барча бўлимлар бўйича хариталардаги мурожаатларга марказлашган ҳолда жавоб беришни таъминлаш. Шу билан бирга ушбу платформа ёрдамида Google ва Yandex қидирув тизимларида UzPost почта бўлимлари ва хизматларини мижоз махсус сўзлар орқали қидирганида ("таг"лар), фойдаланувчилар баҳосининг ижобийлиги ҳисобига UzPost брендини биринчилардан бўлиб чиқишини таъминлаш.

Ҳозирда UzPostнинг потенциал мижозлари UzPostни онлайн топиши ва айнан бизни танлаб, саҳифаларимизга ўтиши эҳтимоли пастлиги сабабли ушбу платформанинг функционали бизни мижозларга яқинроқ бўлишимизга ёрдам беради.

2) Ижтимоий тармоқларда актив тарзда "Бир Қадам" хизматини реклама қилиш ва янги мижозларни жалб қилиш.

3) UzPost имиджини ошириш мақсадида, одамларни қизиқтирадиган ва ICT WEEK-2023да экспериментал тарзда синалган индивидуал почта варақчаларини яратадиган фотобудка ва чоп этиш тизимини шакллантириш. Шунингдек, ушбу ғояни битта почта алоқаси бўлимида синаб кўргандан сўнг, туристик жойларда ҳам жорий қилиш.

4) Почта бўлимларини UzPost компаниясининг бренд китобига асосланиб, одамларнинг катта оқими мавжуд бўлган жойларда янгилаш ва таъмирлаш. Уларни янгилашни кетма-кетлиги бўйича йиллик режа тайёрлаш.

5) Алоқа маркази орқали UzPost хизматлари сотувини ва хизмат кўрсатиш имконини йўлга қўйиш.

6) Қўшни давлатлар ва бошқа хориж давлатлари почта тизимини ўрганиб, тажриба алмашиш орқали Uzpost бўлимларида янги хизматларни жорий қилиш ва ривожлантириш.

7) Чет эл маркетплейсларига Uzpost сайти орқали кириб, почта орқали буюртма қилишни йўлга қўйиш.

8) uz.post сайти ва UzPost иловасининг функционалигини ошириш ва мижозларга қулайликлар ва лоялик программасини ишлаб чиқиш.

VI. Жамиятни ривожлантириш йўналишлари

Жорий йилнинг 5 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида Вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш соҳасидаги корхона ва ташкилот раҳбарлари иштирокида Миллий почта тизимини ислоҳ қилиш масаласи юзасидан йиғилиш ўтказилди.

Йиғилишда берилган топшириқларни ижросини таъминлаш мақсадида, Миллий почта тизимини ислоҳ қилиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси президентининг “Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Мазкур Қарор лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасида 2020–2024 йилларда почта алоқаси соҳасини ривожлантириш концепцияси ҳамда 2020–2024 йилларда почта алоқаси соҳасини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш юзасидан “Йўл харитаси” тасдиқлаш, бундан ташқари Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳар бир вилоятдан 3 тадан туманлар намуна сифатида танлаб олиниб, ўша туманларда почта алоқаси хизматларини ривожлантириш бўйича алоҳида йўл харитасини тасдиқлаш кўзда тутилган.

Ушбу қарор лойиҳасини тайёрлаш жараёнида илғор хорижий давлатларнинг почта алоқаси операторларининг фаолияти ўрганиб чиқилди. Ўрганиш натижасига кўра, уларнинг асосий йўналишлари бу хат-хабарлар, тезкор почта жўнатмалар, онлайн хизматлар ва банк (молия) хизматлари ҳисобланиши аниқланди.

Жумладан, АҚШда 71 фоиз, Белгияда 68 фоиз, Австрияда 58 фоиз, Буюк Британияда 51 фоиз даромади почта хизматларидан, Японияда 79 фоиз, Италияда 78 фоиз ва Жанубий Кореяда 55 фоиз даромади молиявий хизматларни ташкил этади.

Япония, Корея, Хитой, АҚШ каби ривожланган давлатлар ва Россия ҳамда Қозоғистон давлатларида банк ва суғурта хизматлари кенг жорий этилган.

“Почта России” томонидан бугунги кунда логистика хизматларини ривожлантириш ва жўнатмаларини қисқа муддат ичида етказиб беришни таъминлаш мақсадида 38 та логистика марказларини (Фулфилмент марказлари) ташкил этиш ишлари амалга оширилмоқда.

Илғор хорижий тажрибаларни инобатга олган ҳолда ҳамда замонавий ахборот технологияларини ва тизимларни жорий қилиш орқали “Ўзбекистон почтаси” АЖни ривожлантиришнинг қуйидаги 3 та асосий йўналишлари белгилаб олинди:

1. Ёзма хат-хабар ташиш ва курьерлик хизматларини ривожлантириш;
2. Электрон тижорат бозоридаги фаолиятини ривожлантириш;
3. Молиявий хизматлар бозоридаги фаолиятини ривожлантириш.

6.1 Хат-хабар ташиш ва курьерлик хизматларини ривожлантириш йўналишида

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 апрелдаги ПҚ-4699-сон Қарорига биноан Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан йўлланадиган хат-хабарлар, хабарномалар, чақирув қоғозлари ва бошқа юридик ҳужжатларни фақат почта алоқа объектлари тармоғи орқали етказиб бериш ва етказилганлигини тасдиқлаш, маълумотларни сақлаш ва ҳисобга олишнинг ягона миллий тизими ишлаб чиқилди ва 2020 йил 1 августдан ишга туширилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 апрелдаги “Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан йўлланувчи хат-хабарларни етказиб бериш, етказилганлигини тасдиқлаш, маълумотларни сақлаш ва ҳисобга олишнинг ягона миллий тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 637-сон қарори қабул қилинди.

Эндиликда, давлат органлари ва ташкилотлари ўз хат-хабарларини, хабарномаларини, чақирув қоғозларини ва бошқа юридик ҳужжатларини қоғозга босма чиқариш, уларни конвертга солиш, манзил реквизитларини ёзиш, почтага олиб келиш, реестрлар тузиш ва бошқа шу каби ишлардан холи бўлишади.

Давлат органлари ва ташкилотлари почта жўнатмаларини ўзларида мавжуд бўлган ахборот тизимларидан фойдаланилган ҳолда электрон шаклда жўнатиш имкониятига эгадирлар. Ягона миллий тизимга электрон шаклда келиб тушган почта жўнатмалари олувчиларнинг манзилига энг яқин бўлган почта алоқаси объектларида чоп этилиб, унга ишлов берган ҳолда олувчиларга қисқа муддат ичида етказиб берилади.

Ҳар бир почта жўнатмаси тўғрисидаги маълумот унга тақдим қилинган штрих код орқали Ягона миллий тизимдан онлайн кузатиб бориш, шунингдек Ягона миллий тизимдаги почта жўнатмалари тўғрисидаги маълумотлар почта жўнатмасини олувчиларга жўнатилганлигини ва етказиб берилганлигини тасдиқлашда фойдаланиш имкониятини беради.

- Ягона миллий тизим орқали келиб тушаётган почта жўнатмаларини адресатларга етказиб бериш муддатларини янада қисқартириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш мақсадида, хатларни чоп этиш ва уларга ишлов бериш ҳамда хатлар бўйича маълумотларни тизимга киритиш хизматларини кўрсатишни туман марказлари ва алоқа бўлимларида жорий этилган. Бу эса, келиб тушаётган хатларни адресатларга қисқа муддатларда етказиб берилишига хизмат қилади.

- Ягона миллий тизим орқали келиб тушган ва адресатларга етказиб берилган хатлар бўйича маълумотларни жойида тизимга киритилишини таъминлаш мақсадида, почтальонлар Ягона миллий тизим дастури ўрнатилган мобил қурилмалар билан таъминланган. Бу эса ўз навбатида, мижозлар тезкорлик билан етказиб берилган хатлар бўйича маълумотларга эга бўлишларини таъминлайди.

- почта жўнатмаларига ишлов бериш ва хизматдан фойдаланувчилар

учун қулайликлар яратиш мақсадида, Ягона миллий тизимини Логистика тизимига ўзаро интеграция қилиш ишлари амалга оширилган. Бу эса ўз навбатида, почта жўнатмаларига ишлов бериш жараёнини тезлаштиради ва почта жўнатмасининг эгалари ўзларининг почта жўнатмалари ҳақидаги маълумотларни Логистика тизим орқали кузатиб бориш имкониятини яратади.

2020 йилда “Гибрид почта” хизмати бўйича 8 та корхона билан шартнома тузилган бўлиб, ушбу корхоналардан жами 1 871 677 та жўнатма келиб тушган ва 8,7 млрд.сўм даромад, 2021 йилда 36 та корхона билан шартнома тузилган бўлиб, 3 997 503 та жўнатма келиб тушган ва 20,1 млрд.сўм даромад ҳамда 2022 йилда 230 та корхона билан шартнома тузилган бўлиб, 9 962 172 та жўнатма келиб тушган ва 50,4 млрд.сўм даромад олинган.

2023 йилда мазкур хизмат туридан фойдаланувчи корхоналар сони 350 тани ташкил қилмоқда ва 19 328 067 дона жўнатмалар қабул қилиниб, мазкур хизмат туридан даромадни **92,8 млрд.сўмга** етказиш режалаштирилган.

2024 йилга келиб, Гибрид почта хизматидан олинadиган даромад ҳажмини **160,6 млрд.сўмга** етказиш режалаштирилган.

- Мижозлардан курьерлик почта жўнатмаларини қабул қилиш ва ишлов бериш жараёнини автоматлаштирилди. Жумладан, корхоналардан курьерлик почта жўнатмаларини қабул қилиш ва маълумотлар алмашиш ишларининг автоматлаштирилган тизимини жорий этилди ҳамда тизим мижоз корхоналар билан интеграция қилинди. Бунинг натижасида мижозларга сифатли курьерлик хизматларини кўрсатиш таъминланди ҳамда адресатларга қисқа муддатларда курьерлик почта жўнатмаларини етказиб бериш йўлга қўйилди.

- Давлат органлари ва халқаро даражадаги йирик компаниялар ҳамда маҳаллий хусусий компанияларнинг жўнатмаларини курьерлик хизмати орқали “охирги манзил”га етказиб бериш хизмати такомиллаштирилди. Бунда фуқароларга муҳим аҳамиятга ва юридик кучга эга бўлган ҳужжатлар ҳамда товарлар етказиб берилмоқда.

2024 йилда Курьерлик хизматидан олинadиган даромадни қарийб **2,5 млрд.сўмга** етказиш режалаштирилган.

6.2 Электрон тижорат бозоридаги фаолиятини ривожлантириш йўналишида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг почта алоқаси хизматларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида 2020 йил 12 декабрдаги ПҚ-4921-сонли қарорни ижросини таъминлаш ва республика миқёсида Электрон тижорат ривожлантириш мақсадида 2021 йил 1 февраль санасидан «Unisavdo» онлайн савдо майдончаси ишга туширилган.

Ҳозирги кунда 160 дан ортиқ тадбиркорлар билан шартнома имзоланган бўлиб, 18 000 дан кўпроқ турли хил маҳсулотлар жойлаштирилган ҳамда республика ҳудуди бўйлаб етказиб берилмоқда.

Жорий йилнинг 2021 йил май ойида «Unisavdo» онлайн савдо

майдончасининг Андроид ва IOS тизимларида мобил иловаси ҳам ишга туширилган.

«Unisavdo» онлайн савдо майдончаси тадбиркорларга ўз маҳсулотларини республикамизнинг барча ҳудудларида аҳолига сотиш имкониятини беради. Шунингдек, 2021-2022 йилларда «Unisavdo» онлайн савдо майдончасини хорижий онлайн дўконлар билан интеграциясини амалга ошириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Бу эса нафақат хорижий онлайн дўконлар маҳсулотларини буюртма қилиш балки, маҳаллий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни чет элга экспорт қилиш имкониятлари яратилади.

Бундан ташқари, «Unisavdo» онлайн савдо майдончаси фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида, электрон тижоратда кенг имкониятларга эга бўлган “Фулфилмент” марказини куриш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Мазкур “Фулфилмент” маркази энг аввало тадбиркорлар ва онлайн савдо майдончалари эгаларига ўз маҳсулотларини сақлаш, яъни омборхона муаммосини ҳал этади ҳамда онлайн савдо майдонча орқали харид қилинган маҳсулотларни шу ернинг ўзида тез фурсатларда қадоқланиб мижозларга етказиб бериш имкониятини беради.

2021 йилда Тошкент ш., Бухоро, Хоразм, Асака шаҳарларида “Фулфилмент” маркази қурилган бўлиб, 2025 йилгача 30 та автоматлаштирилган “Фулфилмент” марказларини куриш режалаштирилган.

6.3 Молиявий хизматлар бозоридаги фаолиятини ривожлантириш йўналишида

2024 йилда “AVVAL” тўловларни қабул қилиш ва пул ўтказмалари бўйича дастурий мажмуасини янада такомиллаштириш, хизматлар сони ва кўламини ошириш ҳамда турли хизмат етказиб берувчи ташкилотлар билан шартномалар расмийлаштириш, шунингдек тўловларни қабул қилиш бўйича мобил иловада янги хизматларни жорий қилиш, мижозлар учун турли қулайликлар яратиш кўзда тутилмоқда.

2024 йилда “AVVAL” тўлов тизими орқали жойларда аҳолига хизмат кўрсатиш учун мобил қурилмалар орқали хизматлар ҳажмини 1,5 бараварга ошириш ва хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш режалаштирилмоқда.

“AVVAL” мобил иловасида хизматлар сонини кўпайтириш, мижозлар учун қулай ва жозибали интерфейс ишлаб чиқиш режалаштирилмоқда.

“AVVAL” тўлов тизимига янги тўлов агентларни улаш ишлари давом эттирилади ва шу билан қўшимча даромад манбаларини яратилади.

Олис ва чекка ҳудудларда яшовчи аҳолига банк хизматларидан фойдаланишларига қулайликлар яратиш мақсадида почта алоқаси бўлимларида кўрсатилаётган банк хизматларини ривожлантириш ва бу орқали энг чекка ҳудудларда яшовчи аҳоли банк хизматларидан фойдаланиш учун туман марказларида жойлашган банк муассасаларига бормасдан яшаш манзилига яқин бўлган почта алоқаси бўлимига мурожаат қилган ҳолда банк хизматларидан тўлиқ фойдаланиш имконияти бўлади.

2024 йилда хизматлар ҳажмини **36,3 млрд.сўмга** етказиш мақсад

қилинмоқда.

6.4 Почта алоқаси объектларида давлат хизматларини кўрсатиш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 14 декабрдаги “Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4921-сон Қарорига асосан “Ўзбекистон почтаси” АЖнинг почта алоқаси объектларида Ягона интерактив давлат хизматлари порталидан фойдаланилган ҳолда 2021 йилдан бошлаб 17 турдаги давлат хизматларини кўрсатиш йўлга қўйилди.

Бу Республикамизнинг олис ва чекка ҳудудларда яшовчи аҳолига давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш катта аҳамиятга эгадир. Аввал, давлат хизматлари фақат вилоят ва туман марказларида йўлга қўйилган бўлиб, туманнинг энг чекка ҳудудида яшовчи аҳоли давлат хизматларидан фойдаланиш учун олис масофани босиб ўтишга мажбур бўлишган эди.

Ҳозирги кунда, 1 000 дан ортиқ почта алоқа бўлимларида 60 турдаги давлат хизматларини кўрсатиш йўлга қўйилди. Бунинг натижасида, энг чекка ҳудудида яшовчи аҳоли ўзига яқин бўлган почта алоқаси бўлимига бориб давлат хизматларидан фойдаланиш имконияти яратилди. Жумладан:

2021 йилда 928 та почта алоқаси объектларида 33 турдаги, 2022 йилда 1 055 та почта алоқаси объектларида жами 60 турдаги давлат хизматларини кўрсатиш йўлга қўйилган.

2023 йилда давлат хизматлари кўрсатаётган объектлар сонини ва хизматлар турларини кўпайтириш юзасидан ишлар олиб борилди, натижада 2023 йилда 129 почта объектларининг қисқартилишига қарамасдан 1 042 та почта алоқаси объектларида кўшимча 18 турдаги, жами 78 турдаги давлат хизматларини кўрсатиш йўлга қўйилди.

Жумладан:

20 кВт дан юқори бўлган электр тармоқларига уланиш учун техник шартларни олиш;

Сув таъминоти ва сувни чиқариб ташлаш лойиҳасини келишиш;

Газ таъминоти лойиҳасини ҳудудий газ таъминоти корхонаси билан келишиш;

Бино ва иншоотнинг ташқи кўринишини ўзгартиришни келишиш;

Бино ва иншоотларни ижара шартномасини давлат рўйхатидан ўтказиш;

Қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун объектни рўйхатдан ўтказиш;

Фамилия, исм, ота исмини ўзгартирганлик ҳақида маълумотномани олиш;

Электр энергияси ҳисоблагичини қиёслашдан ўтказиш (ечиш ва улаш билан бирга);

Ипотека кредитига Давлат субсидиясини олишга ариза бериш;

Лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш;

COVID-19 га эмлашга ёзилиш ва ҳолатини текшириш;

Расмий ҳужжатларга апостиль қўйиш;

Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга санаторийларда даволаниш учун йўлланмалар бериш;

Олий, ўрта махсус, касб-ҳунар ҳамда профессионал таълим олганлик тўғрисида давлат намунасидаги хужжатларнинг дубликати олиш;

Нотураб объектларини кадастр паспортини шакллантириш ва уларга бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш;

Талабалар турар жойига жойлашиш учун ариза юбориш (1-курс талабалари учун);

Талабалар турар жойига навбатни текшириш (1-курс талабалари учун).

Бугунги кунда 1 042 та почта алоқа объектларида “Ягона интерактив давлат хизматлари портали”дан фойдаланилган ҳолда 78 турдаги давлат хизматларидан 79,2 мингдан ортиқ аризалар қабул қилинган.

2024 йилда ҳам кўрсатилаётган давлат хизматлари турларини кўпайтириш юзасидан Рақамли технологиялар вазирлиги ва “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасаси билан ҳамкорликда ишлар олиб борилиши ва кўшимча янги **30** турдаги давлат хизматларни кўрсатишни йўлга қўйиш режалаштирилган.

6.5 Логистика йўналиши бўйича

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 14 декабрдаги “Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4921-сон Қарорида почта жўнатмаларини етказиб беришдаги логистика тизимини қайта кўриб чиқиш орқали почта жўнатмаларини етказиб беришдаги назорат муддатларини қисқартириш бўйича топшириқлар берилган.

Шуни инобатга олган ҳолда почта алмашинувида фойдаланилаётган автотранспорт паркни янгиланди, жумладан кичик ҳажмдаги 35 та “Дамас”, 75 та “Caddy” ва 4 та “ГАЗель” ҳамда 4 та катта ҳажмдаги “ISUZU” русумли, жами 110 та кичик ҳажмдаги ва 8 та катта ҳажмдаги юк ташувчи автотранспорт воситалари харид қилинди.

Бунинг натижасида, магистрал ва вилоят ички почта алмашинувларининг сони кўпайишига эришилди, жумладан аввал почта алмашинувлари ҳафтасига 5 маротаба ўтказилган бўлса, эндиликда ҳафтасига 6 маротаба ўтказилмоқда.

Туманларда жойлашган почта алоқаси боғламалари ҳам кўшимча автотранспорт воситалари билан таъминланди, баъзи ички маршрутлар қайта тикланди.

Шунингдек, “Бир қадам” хизмати йўлга қўйилиб, ушбу хизмат учун кўшимча 2 та магистрал йўналишда почта алмашинуви йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, почта жўнатмаларни етказиб беришдаги логистика тизими қайта кўриб чиқилди. Бунда почтальонлар электроскутердан фойдаланган ҳолда почта жўнатмаларни марказдаги почта саралаш бўлиmidан “боғлама-мижоз” схемаси асосида олиб, олувчиларга етказиб бериш механизми йўлга қўйилди, бунинг учун 500 та электроскутерлар билан таъминланди.

Бунинг натижасида, мижозларга кўрсатилаётган хизматлар сифати яхшиланди ҳамда почта жўнатмаларни етказиб бериш вақтини қисқартиришга эришилди, яъни аввал почтальонлар томонидан почта жўнатмалар олувчиларга 2-3 кун ичида етказиб берган бўлса, ҳозирги кунда электроскутер орқали 1 кун ичида олувчиларга етказиб берилмоқда.

Почта жўнатмаларни етказиб беришдаги логистика тизимини такомиллаштириш бўйича ишлар 2024 йилда ҳам давом этади. Жумладан, автотранспорт орқали амалга ошириладиган магистрал, вилоят ичи ва туман ички почта йўналишларини қайта кўриб чиқиш режалаштирилган.

Бундан ташқари, туман ичида почта алмашинувини амалга ошираётган барча автотранспорт воситаларига GPS мониторинг қурилмасини ўрнатиш ва ушбу мониторинг тизими орқали автотранспорт воситаларидан унумли фойдаланиш режалаштирилган.

6.6 Қўшимча хизматлар

Қуйидаги янги хизмат турларини жорий этиш режалаштирилмоқда:

- реклама рисоаларини ва флаерларни тарқатиш;
- “direct-marketing”- аниқ манзилли реклама тарқатмаларини етказиб бериш.

- ҳозирги кунда халқаро почта жўнатмалари (посилка)нинг максимал оғирлиги 30 кг.гача белгиланган бўлиб, бу орқали аҳолига қўшимча қулайликлар яратилмоқда. Шунингдек, ички почта жўнатмалари(юк)нинг ҳам оғирлигини 30 кг. кўтариш бўйича ишларни амалга ошириш;

- Республикамининг эркин иқтисодий ҳудудларида тезкор почта алоқа бўлимларини ташкил этиш, ушбу ҳудудларда ўз фаолиятини олиб борадиган ташкилотлар учун хат-хабарлар ва посилкаларни етказиб бериш ва қабул қилишда кенг имкониятлар яратиш;

- ҳозирги кунда ҳориж почта алоқа хизматини кўрсатувчи компаниялар томонидан кенг тарқалган хизмат турларидан бири бўлган хат-хабарлар ва жўнатмаларни аҳоли чақирувига асосан хонадонларга бориб қабул қилиш хизматини жорий этиш;

- ҳозирда электрон тижоратни ривожлантириш мақсадида онлайн бозорларда харид қилинган товарларни етказиб бериш хизматини кенгайтириш;

- Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган, транзит товарлар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш учун вақтинчалик сақлаш омборхоналарини ташкил этиш.

Шунингдек, 2023 йилда бир нечта қўшимча ва янги турдаги хизматларни жорий этиш режалаштирилган. Жумладан:

Техник ёрдам хизмати

- почта ходимлари билан онлайн мулоқот;
- почта алоқаси объектлари ишини ва етказиб бериш сифатини баҳолаш;
- почта алоқаси объекти тўғрисидаги маълумотлар нотўғрилиги ҳақида хабар бериш.

Онлайн ўзаро муносабатлар

1.1. Веб-сайт бўйича

- веб-сайтда маълумотларнинг осон қидируви;
- веб-сайтда почта жўнатмалар ҳолатини онлайн кузатиб бориш;
- “Ўзбекистон почтаси” АЖнинг сўнги янгиликлари;
- веб-сайтда шахсий кабинет очиш;
- виртуал ёрдамчи.

1.2. Мобил илова

- қидирувга берилган почта жўнатмалар тўғрисидаги маълумотларни доимий сақлаб қолиш;
- почта жўнатмаларнинг ҳолати ўзгарганлиги тўғрисида хабарномаларни жўнатиш;
- божхона тўловлари миқдорини кўрсатиш.

Почта алоқаси объекти

- энг яқин манзилдаги почтани қидириш;
- харитада қидириш;
- иш жадвали бўйича танлаш.

2023 йилда амалга оширилиши режалаштирилган ишлар “2022-2026 йилларда “Ўзбекистон почтаси” АЖни ислоҳ қилиш стратегияси”да кўзда тутилган бўлиб, мазкур янги хизмат турлари ишга туширилгандан сўнг Жамиятнинг операцион самарадорлиги ошишига эришилади.

Почта алоқасининг ривожланиши почта хизматлари бозорининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тегишли давлат сиёсатини амалга оширишни талаб қилади. Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимияти органлари томонидан мунтазам равишда ушбу соҳанинг ривожланишини кўриб чиқилади, мақсадларга аниқлик киритилади ва уларга эришиш бўйича вазифаларни белгилаб олинади. Ушбу иш натижалари қонун ҳужжатлари, давлат органларининг қарорлари ва меъёрий ҳужжатларида акс эттирилади.

VII. Инвестиция фаолияти

“Ўзбекистон почтаси” АЖ томонидан қўшимча хизматларни ривожлантириш ва мавжуд хизматларни кенгайтириш, моддий техник базасини янгилаш, транспорт-логистика марказларини ташкил этишда, шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, концепция ва йўл хариталари лойиҳаларида белгиланган вазифаларни ўз вақтида ҳамда сифатли бажарилиши учун айланма маблағлари етишмовчилиги мавжуд. Бундан ташқари 70 фоиз почта алоқаси объектлари капитал тамирлашга муҳтож бўлиб, ушбу объектларни босқичма-босқич замонавий архитектура-шаҳарсозлик талабларини ҳисобга олган ободонлаштириш ва қурилиш ишларини амалга ошириш лозим.

2020–2024 йилларда почта алоқаси соҳасини ривожлантириш бўйича қарорда ва концепциясида белгиланган вазифаларни ўз вақтида амалга ошириш учун катта миқдорда маблағ талаб этади.

“Ўзбекистон почтаси” АЖнинг қўшимча акциялари жойлаштирилган, мазкур келиб тушган маблағларни қарор, концепция ва йўл хариталарида белгиланган вазифаларни амалга оширишни молиялаштириш учун мақсадли йўналтириш кўзда тутилган.

Лойиҳалар қуйидагилардан иборат:

7.1 “Ўзбекистон почтаси” АЖ автопаркини янгилаш ва кенгайтириш” лойиҳаси

Бугунги кунда, Жамият балансида мавжуд 461 та автотранспорт воситаларининг эскирганлик даражаси 45 фоизни ташкил этади.

Жамиятнинг логистика тизимини такомиллаштириш ва бугунги кундаги мавжуд автотранспорт воситаларини янгилаш орқали почта алмашинувлари тасдиқланган график асосида амалга оширилиши ҳамда почта жўнатмаларини белгиланган муддатларда етказиб берилиши таъминланади. Бунинг учун, 10 та юк ва 60 та енгил (40 таси бензинда ҳаракатланувчи ва 20 таси электромобиль) автотранспорт воситаларини харид қилиш кўзда тутилган. Мазкур лойиҳанинг тахминий қиймати **18,4 млрд.сўмни** ташкил этади.

Шунингдек, ҳабарчиларга 800 дона велосипед харид қилиш кўзда тутилган. Мазкур лойиҳанинг тахминий қиймати **1,6 млрд.сўмни** ташкил этади.

7.2. “Электроскутерлар сотиб олиш” лойиҳаси

Мазкур лойиҳада почта жўнатмаларини қабул қилиб олувчиларга ўз вақтида етказиб бериш ва кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини яхшилаш мақсадида вилоят ва туман марказларига хизмат кўрсатувчи почтальонларни марказдаги саралаш бўлиmidан “боғлама-мижоз” тамойили асосида почта жўнатмаларини манзилгача етказиб бериш амалиётини жорий этиш кўзда тутилган.

Бунда, почтальонлар электроскутердан фойдаланилган ҳолда почта ва курьерлик жўнатмаларни, даврий матбуот нашрларни ва бошқа жўнатмаларни марказдаги почта саралаш бўлиmidан олиб, олувчиларга етказиб беради. Электроскутер орқали жўнатмалар олувчиларга қисқа муддат ичида, яъни 3-4 соат (солиштириш учун: ҳозирги кунда жўнатмаларни миждозга етказиб беришнинг ўртача муддати 1-2 кунни ташкил этмоқда) ичида етказиб берилади ҳамда почтальонларнинг қолган бўш вақтларидан унумли фойдаланилади.

Шунингдек, Жамиятнинг логистика тизими жўнатмаларни миждозларга етказиб бериш занжиридаги “Охирги миля” қисмини инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқилади, бунинг натижасида миждозларга кўрсатилаётган хизматлар сифати яхшиланади ҳамда почта ва курьерлик жўнатмалари, даврий нашрларни етказиб бериш вақтини қисқартиришга эришилади.

2024 йилда эса 200 та электроскутер сотиб олиш кўзда тутилган. Мазкур лойиҳанинг тахминий қиймати **2,8 млрд.сўм**ни ташкил этади.

7.3 ““Фулфилмент” марказини ташкил этиш” лойиҳаси

Жамият томонидан электрон тижоратни ривожлантириш бўйича автоматлаштирилган “Фулфилмент” марказларини вилоят марказларида ташкил этиш режалаштирилган. Бунда электрон тижорат бозорида ўз улушига эга бўлишини таъминлаш имконини беради.

“Фулфилмент” маркази интернет-савдо майдончалари эгаларига ўз маҳсулотларини сақлаш, яъни омборхона муаммосини ҳал этади ҳамда интернет-савдо майдонча орқали харид қилинган маҳсулотларни шу ернинг ўзида тез фурсатларда қадоқланиб миждозларга етказиб бериш имконияти яратилади.

Бунда ахборот технологияларини қўллаган ҳолда “Фулфилмент” омборларини, транспорт логистикасини ва миждозлар билан муносабатларни бошқариш имкониятларини амалга ошириш кўзда тутилган.

2022 йилда 4 та – Тошкент шаҳрида ва 3 та вилоятларда (Бухоро, Хоразм ва Андижон) Логистика марказлари қурилди. Мазкур ишларга 8,4 млрд.сўм йўналтирилди.

“Ҳалқаро почта” филиали худудида омборхонанинг реконструкция ишлари олиб борилмоқда, мазкур ишларга 2,4 млрд.сўм сарфланиши режалаштирилган.

2024 йилда ҳам 4 та Логистика марказлари ташкил этилиши режалаштириган бўлиб, ушбу ишларга **2,0 млрд.сўм** сарфланиши кутилмоқда.

7.4 “Почта алоқаси объектларини компьютер ва оргтехникалари билан таъминлаш” лойиҳаси

Почта алоқаси объектларида ахборот технологиялари негизида янги хизматларни кенг жорий этиш ҳамда миждозларга кўрсатилаётган почта алоқаси хизматлари сифатини яхшилаш мақсадида бугунги кунда эскирган компьютерлар, қурилма ва жиждозларни янгилаш зарурияти вужудга келган.

Хозирги кунда, Жамият ва унинг филиалларида 90 та сервер, 4 103 дона компьютер, 1 422 та принтер, 1 819 та нусха кўчириш аппаратлари ишлатиб келинмоқда.

Мазкур қурилмалар, Фискал маълумотлар операторининг нақд пулли кўрсатилган хизматлар бўйича мижозларга тизимда рўйхатдан ўтган чекларни бериш талаби бажариш, почта алоқаси объектларида нақд пул маблағлари айланмаси ҳисобини юритиш ва тегишли тартибда назоратини олиб бориш имконини беради.

Почта алоқаси объектларини замонавий компьютер техникаси ва мобил қурилмалар билан таъминлаш мақсадида 2021-2023 йилларда 2 222 та персонал компьютер, 270 та принтер, 1 635 та кўп функцияли ускуна, 1 320 та штрих код сканери, 2 800 та мобил қурилмалар (онлайн касса), 1 600 та термопринтер, 1 600 та чек принтерлари харид қилинди ва иш жойларига етказиб берилди.

2024 йилда Жамият таркибий қисмларининг ишлаб чиқариш эҳтиёжи учун ҳамда амалда мижозларга сифатли хизмат кўрсатилишини таъминлаш учун: 100 та персонал компьютер, 200 та кўп функцияли ускуна (принтер), 100 та “Қуосега 2235” русумли принтер, 200 та штрих код сканерлари, 200 та термопринтер ва 200 та чек принтерларини лойиҳа асосида харид қилиш кўзда тутилган.

Мазкур лойиҳанинг тахминий қиймати **2,17 млрд.сўмни** ташкил этади.

7.5 “Почта алоқаси объектларини инфратузулмасини яхшилаш” лойиҳаси

“Ўзбекистон почтаси” АЖ балансида 1 920 почта алоқаси объектлари бўлиб, бугунги кунда ушбу почта алоқаси объектларининг 70 фоизга яқини капитал таъмирлашга муҳтож ва буларнинг аксарияти 1990 йилдан олдин қурилган биноларни ташкил этади.

2023 йилда Фарғона филиалининг маъмурий биноси капитал таъмирдан чиқарилди, ушбу ишларга 4,3 млрд.сўм сарфланди.

2024 йилда почта алоқаси боғламалари биноларини таъмирлаш ва қуриш ишларига **6,0 млрд.сўм** йўналтириш режалаштирилган.

7.6 “Почта алоқаси объектларида энергия тежовчи қуёш панеллар ўрнатиш” лойиҳаси

Ҳисоб-китобларга кўра, ҳозирда Жамият томонидан электроэнергия учун жами харажатлар салмоғида 0,54 фоиз улушда маблағ сарфланмоқда. Бу эса йилига ўртача 4 656,6 кВт электроэнергияни ташкил этади.

Мазкур сарф-харажатларни янада мақбуллаштириш ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг ва унумли фойдаланиш мақсадида Жамият таркибидаги почта алоқаси объектларида босқичма-босқич энергия тежовчи қуёш панеллар ўрнатишни тақозо этмоқда.

2023 йилда Жамият таркибидаги почта алоқаси объектларида босқичма-босқич энергия тежовчи қуёш панеллар ўрнатиш мақсадида, дастлаб, Тошкент шаҳри ҳамда вилоят марказларидаги, жами 16 та почта алоқаси объектларида ўрнатиш учун ўртача ҳар бир объект учун ўртача 3 кВт электроэнергия ишлаб чиқарувчи қуёш панелининг ҳар бири 29,4 млн.сўмдан 300 дона харид қилиш кўзда тутилган.

Мазкур лойиҳанинг қиймати тахминий ҳисоб-китобларга кўра, **8,8 млрд.сўм**ни ташкил этади.

7.7 “Ўзбекистон почтаси” АЖда корхона ресурсларини режалаштириш (ERP) тизимини жорий этиш» лойиҳаси

“Ўзбекистон почтаси” АЖда 14 та ҳудудий ва 4 та ихтисослашган филиал, 165 та почта алоқаси боғламаси, 1 660 та почта алоқаси бўлими фаолият кўрсатмоқда.

Хозирги кунда Жамиятда штат бирлиги бўйича – 7 598, Бошқарув аппарати ходимлари - 710, ишлаб чиқарувчи ходимлар сони – 6 219, Тех персонал сони – 57 тани ташкил этади.

Жамиятда ишлаб-чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларини автоматлаштириш ва корхона ресурсларини режалаштириш ва бошқарувни оптималлаштириш мақсадида, «“Ўзбекистон почтаси” АЖда корхона ресурсларини режалаштириш (ERP) тизимини жорий этиш» лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Мазкур лойиҳа ва унга тегишли ҳужжатлар 2023-йил 17-октябрда 29-08/1740 сонли хат орқали Вазирликнинг Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2024-йилда молиялаштириладиган лойиҳаларни ажратиш масаласи билан шуғулланувчи танлов комиссиясига тақдим этилган.

ERP (корхона ресурсларини режалаштириш) - ишлаб чиқариш, операцияларни ва меҳнатни бошқаришни, молиявий менежментни ва активларни бошқаришни интеграциялашнинг ташкилий стратегияси бўлиб, ихтисослаштирилган интеграцияланган амалий дастурий таъминот тўплами орқали корхона ресурсларини доимий мувозанатлаш ва оптималлаштиришга қаратилган тизимдир.

Жамият ушбу лойиҳани (ёки унинг қисмларини) амалга ошириш учун танлов асосида мутахассислар ва экспертларни, шунингдек бошқа ихтисослашган ташкилотларни жалб қилади.

Лойиҳани амалга ошириш муддати: 2024-2025 йй.

Лойиҳани молиялаштириш манбаи:

- Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг беғараз маблағлари ҳисобидан **8 100,0 млн. сўм**;

- “Ўзбекистон почтаси” АЖнинг ўз маблағлари ҳисобидан 150,0 млн. сўм;

Лойиҳани ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш учун молиявий ресурсларга бўлган умумий эҳтиёжи – **8 250,0 млн. сўми** ташкил этади.

2023 йилда Инвестиция лойиҳалари ва молиялаштириш манбалари

№	Лойиҳалар	Сумма
1	“Ўзбекистон почтаси” АЖ автопаркини янгилаш ва кенгайтириш, шу жумладан велосипед сотиб олиш	20,0 млрд.сўм (шундан, велосипед учун 1,6 млрд.сўм)
2	200 та электроскутерлар сотиб олиш	2,8 млрд.сўм
3	4 та вилоят марказида “Фулфилмент” марказини ташкил этиш	2,0 млрд.сўм
4	Почта алоқаси объектларини компьютер ва оргтехникалари билан таъминлаш	2,2 млрд.сўм
5	Почта алоқаси объектларини инфратузилмасини яхшилаш	6,0 млрд.сўм
6	Почта алоқаси объектларида энергия тежовчи қуёш панеллар ўрнатиш	8,8 млрд.сўм
7	Корхона ресурсларини режалаштириш (ERP) тизимини жорий этиш	8,3 млрд.сўм
	Жами 7 та лойиҳа	50,1 млрд.сўм
	<i>Шу жумладан</i>	
а	“Ўзбекистон почтаси” АЖнинг қўшимча даромадлари, амортизация, бошқа жалб этиладиган ҳамда эмиссия маблағлари ҳисобидан	42,0 млрд.сўм
б	Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг беғараз маблағлари ҳисобидан	8,1 млрд.сўм

Лойиҳалар қиймати лойиҳанинг смета харажатлари ишлаб чиқиши жараёнида аниқлик киритилиши мумкин.

**2024 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг
“Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан
такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, концепция ва
йўл хариталари лойиҳалари доирасида амалга ошириладиган ишлар
тўғрисида**

1. “Ўзбекистон почтаси” АЖ автопаркини янгилаш ва кенгайтириш (10 та юк ва 60 та енгил (40 таси бензинда ҳаракатланувчи ва 20 таси электромобиль) автотранспорт ва 800 та велосипед билан таъминлаш). Лойиҳанинг тахминий қиймати 20,0 млрд.сўм (шундан велосипедга 1,6 млрд.сўм).

2. 200 та электроскутерлар сотиб олиш. Лойиҳанинг тахминий қиймати 2,8 млрд.сўм.

3. 4 та вилоят марказида “Фулфилмент” марказини ташкил этиш. Лойиҳанинг тахминий қиймати 2,0 млрд.сўм.

4. Почта алоқаси объектларини компьютер ва оргтехникалари билан таъминлаш (100 та персонал компьютер, 200 та кўп функцияли ускуна (принтер), 100 та “Kyocera 2235” русумли принтер, 200 та штрих код сканерлари, 200 та термопринтер ва 200 та чек принтерлари. Лойиҳанинг тахминий қиймати 2,2 млрд.сўм.

5. Почта алоқаси объектларини инфратузулмасини яхшилаш. Лойиҳанинг тахминий қиймати 6,0 млрд.сўм.

6. Почта алоқаси объектларида энергия тежовчи қуёш панеллар ўрнатиш. Бунда, 300 дона қуёш панели хариди режалаштирилган. Лойиҳанинг тахминий қиймати 8,0 млрд.сўм.

7. Корхона ресурсларини режалаштириш (ERP) тизимини жорий этиш. Лойиҳанинг тахминий қиймати 8,3 млрд.сўм.

**2024 йилда амалга ошириладиган Лойиҳаларни молиялаштириш
манбалари**

№	Лойиҳалар	Сумма (млрд.сўм)
1	Жами 7 та лойиҳа	50,1
	<i>Шу жумладан</i>	
1.1	“Ўзбекистон почтаси” АЖнинг қўшимча даромадлари, амортизация, бошқа жалб этиладиган ва эмиссия маблағлари ҳисобидан	42,0
1.2	Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг беғараз маблағлари ҳисобидан	8,1

Лойиҳалар қиймати лойиҳанинг смета харажатлари ишлаб чиқиши жараёнида аниқлик киритилиши мумкин.

VIII. Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш истиқболлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 14 декабрдаги ПҚ-4921-сон қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилда бир қатор ишлар амалга оширилди, жумладан:

“Ўзбекистон почтаси” АЖда почта алоқаси тизимини оптималлаштириш ва почта объектлари сонини қисқартириш натижасида фойдаланишдан бўшаган компьютер техникаларни кенгайтирилган ва бирлаштирилган объектларга ўтказиш ишлари олиб борилди.

Почта алоқаси объектларида ахборот технологиялари негизида янги хизматларни кенг жорий этиш ҳамда мижозларга кўрсатилаётган почта алоқаси хизматлари сифатини яхшилаш мақсадида бугунги кунда эскирган компьютерлар, қурилма ва жиҳозларни янгилаш зарурияти вужудга келган.

Почта алоқаси объектларини замонавий компьютер техникаси ва мобил қурилмалар билан таъминлаш мақсадида 2021-2022 йилларда 2205 та персонал компьютер, 163 та принтер, 1635 та кўп функцияли ускуна, 1320 та штрих код сканери, 2800 та мобил қурилмалар (онлайн касса), 1600 та термопринтер, 1600 та чек принтерлари харид қилинди ва иш жойларига етказиб берилган.

Бу қурилмалар, Фискал маълумотлар операторининг, нақд пулли кўрсатилган хизматлар бўйича мижозларга тизимда рўйхатдан ўтган чекларни бериш талаби бажарилишини таъминлайди ва почта алоқаси объектларида нақд пул маблағлари айланмаси ҳисобини юритиш ҳамда тегишли тартибда назоратини олиб бориш имконини беради.

2023 йилда 107та лазер принтери ва 17 дона персонал компьютер худудий филиалларга фойдаланиш учун берилган.

Бугунги кунда, Жамият ва унинг филиалларида 90 та сервер, 4103 дона компьютер, 1422 та принтер, 1819 та нусха кўчириш аппаратлари ишлатиб келинмоқда.

Тармоқнинг Жамият Бошқарув аппарати ва “Ўзбектелеком” АКнинг тизими ўртасидаги маълумотлар узатиш канали тезлиги “Ўзбектелеком” АКнинг ТШТТ филиали билан ҳамкорликда ётқизилган шиша (оптик) толали кабель орқали 200 Мбит/с етказилган. Жамиятнинг 14 та худудий филиаллари ва “Ўзбектелеком” АК филиаллари орасидаги маълумот узатиш канали тезлиги 10 Мбит/с кўтарилган, 3 та худудий филиалларида каналларнинг маълумот узатиш тезлиги 2 Мбит/секундни ташкил этмоқда.

Жамиятнинг корпоратив компьютер тармоғи орқали “Электрон пул ўтказмалари автоматлаштирилган тизими”, “Тўловларни қабул қилиш автоматлаштирилган тизими” ва бошқа тизимлар ишлатиб келинмоқда.

Жамиятда автоматлаштирилган марказий бухгалтерия ҳисоби тизими жорий этилган, мазкур тизимга 18 та таркибий филиал ва 165 та почта алоқаси боғламалари боғланган.

Шунингдек, Умумжаҳон почта иттифоқининг “IFS” молиявий тизими орқали Халқаро электрон пул ўтказмалари хизмати Украина, Россия,

Қозоғистон, Белоруссия, Озарбайжон, Армения, Грузия Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон давлатлари билан ҳамкорликда кўрсатиб келинмоқда.

Жамиятнинг компьютерлаштирилмаган ва маълумот узатиш каналлари билан таъминлаш имконияти бўлмаган алоқа бўлимларида қабул қилинган тўловлар ҳақидаги маълумотларни биллинг тизимига боғланган объектлар орқали маълумотлар базасига киритиб борилиши йўлга қўйилган.

Чет эл почта маъмуриятлари билан рекламациялар бўйича электрон маълумотлар алмашинувини IBIS тизимига ҳамда халқаро почта жўнатмалари қидируви бўйича эътирозномаларни почта операторлари ўртасида электрон шаклда алмашиш имкониятини берувчи PRIME тизимига уланган. “Халқаро тезкор почта” филиалида “Rugby” дастури ёрдамида халқаро EMS жўнатмалари бўйича электрон кўринишда рекламациялар алмашинуви йўлга қўйилган.

“Unisavdo” Миллий онлайн савдо майдончаси www.unisavdo.uz сайти орқали 2021 йил 1 февралдан ишга туширилган.

Бунда, республикамизнинг олис ва чекка ҳудудлардаги тадбиркорлар маҳсулотларини республика бўйича савдога олиб чиқиш юзасидан 300тадан ортиқ тадбиркорлар билан шартномалар тузилди ҳамда тадбиркорлар ва интернет-магазинларнинг 18 мингдан ортиқ маҳсулотлари ҳақидаги маълумотлар “Unisavdo” Миллий онлайн савдо майдончасига жойлаштирилган.

Миллий онлайн савдо майдончаси орқали сотилган маҳсулотларни Миллий оператор тармоқларидан фойдаланиб, манзилларга етказиб бериш тизими яратилган.

“Миллий онлайн савдо майдончаси”нинг Android ва IOS мобил иловаси ишлаб чиқилган ва ишга туширилган.

Интернет-тижорат соҳасини ривожлантириш ҳамда, интернет-савдо майдончалари эгаларига ўз маҳсулотларини сақлаш, яъни омборхона муаммосини ҳал этиш ва интернет-савдо майдонча орқали харид қилинган маҳсулотларни шу ернинг ўзида тез фурсатларда қадоқланиб, мижозларга етказиб бериш имкониятини берадиган логистика марказларини ташкил этиш мақсадида 7та логистика марказлари: Тошкент шаҳрида, Андижон вилоятининг Асака туманида, Бухоро вилоятининг Вобкент туманида, Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида, Самарқанд вилоятининг Самарқанд шаҳрида, Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида ва Навоий вилоятининг Навоий шаҳрида ташкил этилди. Тошкент шаҳридаги логистика марказига ЗоодМалл номли интернет-магазиннинг товарлари ҳақидаги маълумотлар жойлаштирилиб, шу ернинг ўзида қадоқланиб, буюртмачиларга етказиб берилиши йўлга қўйилди.

Жамиятнинг, rochta.uz сайти орқали даврий матбуот нашрларига онлайн обуна хизмати жорий этилди ва унда 300 турга яқин даврий матбуот нашрларига онлайн равишда обуна уюштириш имконияти яратилган.

“Ўзбекистон почтаси” АЖ томонидан даврий матбуот нашрларига “Интернет-обуна қабул қилиш тартиби ва шартлари” ишлаб чиқилган ва 2021-йил 1-мартдан амалга киритилган.

Шунингдек, даврий матбуот нашрларига “Интернет обуна” ва хизматини йўлга қўйиш бўйича онлайн обуна дастури “Рауме” ва “CLICK” тўлов тизимлари билан интеграция қилиниб, даврий матбуот нашрларига онлайн равишда обуна уюштириш имконияти яратилган.

Тўловларни қабул қилиш ва пул ўтказмалари бўйича янги “AVVAL” автоматлаштирилган тизими ишлаб чиқилиб, 2021 йил 1 майдан бошлаб ишга туширилиб, почта алоқаси объектларида тўловларни онлайн режим орқали қабул қилиш тўлиқ йўлга қўйилган.

Шу билан бирга мазкур тўлов тизимининг мобил иловаси ишга тушурилган.

Шунингдек, почтальонлар тизимга кириб ишлашлари ва тегишли хизматларни масофадан туриб “AVVAL” автоматлаштирилган тизими орқали кўрсатишлари учун 2800та мобил қурилма харид қилиниб, ушбу мобил қурилмалар учун ишлаб чиқилган дастурий маҳсулот Давлат рўйхатидан ўтказилган ва хизмат кўрсатиш жараёнидан фойдаланиш учун иш жойларига етказилган.

Бунинг натижасида почта ходимларига мобил қурилмалар ёрдамида жойларга чиқиб, онлайн тарзда тўловларни қабул қилиш ҳамда миждозларга тўловларни онлайн равишда тўлаш имконияти яратилган.

Шу билан бирга, “Unisavdo.uz” Миллий онлайн савдо майдончаси орқали етказиб берилган товарлар учун тўловларни жойида қабул қилиш йўлга қўйилди.

Почта жўнатмаларини қабул қилиш, саралаш ва онлайн кузатиш имконини берувчи автоматлашган ахборот тизими ишлаб чиқилиб, 2021 йил май ойида Тошкент шаҳрида синов тарихида ишга тушурилган.

Мазкур тизим 2021 йил июль ойидан бошлаб барча почта объектларида почта хизматларини кўрсатиш жараёнларига тўлиқ татбиқ этилди.

“Ўзбекистон почтаси” АЖ веб-сайти воситасида даврий нашрларга обуна тўловларини “Онлайн” режимида қабул қилиш орқали расмийлаштириш (Интернет обуна) хизмати жорий этилган. Тизимни ишга тушириш даврида Жамият ва АТ “Алоқабанк” билан “РАҮСОМ” тизими воситасида пластик карточка орқали электрон тўловларни қабул қилиш ва уларга ишлов бериш юзасидан шартнома имзоланган. Шунингдек, ушбу хизмат турини ягона давлат интерактив хизматлар портали орқали кўрсатиш учун тегишли регламент (талаблар) ишлаб чиқилган ва тегишли ташкилотлар билан келишган ҳолда тасдиқланган.

Жамиятнинг веб-сайти (pochta.uz) орқали почта соҳасига оид маълумотлар ва янгиликлар билан танишиш ва Жамиятда ишлатиб келинаётган ахборот ресурсларидан интернет орқали фойдаланиш имконияти яратилган, жумладан, почта индекслари, почта хизмати тарифлари, рўйхатга олинувчи почта жўнатмалари, чоп этилган почта маркалари, “Тошкент

почтамти” филиалида курьерлик хизматига буюртмалар қабул қилиш хизматларидан фойдаланиш мумкин. Сайтда мижозларга қулайлик яратиш мақсадида кўп такрорланувчи саволлар саҳифаси очилган.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа, Ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2013 йил 5 декабрдаги “Интерактив давлат хизматларини кўрсатиш ягона портали орқали жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушаётган муурожаатлар бўйича ўз вақтида ва сифатли интерактив соҳа хизматларини кўрсатиш тўғрисида”ги 446-сон буйруғига мувофиқ Жамият томонидан тайёрланган 4 та интерактив хизматлар “UZINFOCOM” ДУК портали орқали мижозларга кўрсатилмоқда, жумладан:

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг аризалари, шикоятлари ва таклифларини қабул қилиш ва ишлов бериш”;

“Фуқароларни қабул қилиш куни, контактлар, манзилларни жойлаштириш, “Ўзбекистон почтаси” АЖ раҳбари қабулига онлайн ёзилиш”;

“Вакант иш ўринларини жойлаштириш ва тушаётган таклифларни кўриб чиқиш”;

“Рўйхатга олинувчи почта жўнатмаларининг автоматлаштирилган кидируви”.

Жамият ва барча мобил алоқа операторлари ўртасида Бош келишувлар имзоланган. Жамият ва мобил алоқа операторлар ҳамкорликда 315 та дилерлик шаҳобчалари очилган.

“Халқаро тезкор почта” (EMS) филиалида “Vega-Post Office” ахборот тизими комплекси ишлатиб келинмоқда. Ушбу тизим орқали халқаро ва ички тезкор почта жўнатмалари штрих код технологияси асосида назорат қилиб борилади ва мижозларга ўз жўнатамаси ҳақида тезкор маълумот олиш имконияти яратилган.

Ҳозирги кунда Жамиятнинг корпоратив компьютер тармоғига 165та туманлараро ва туман почта алоқаси боғламалари ҳамда 1 546 та почта алоқаси бўлимлари, жами 1 711 та почта алоқаси объектлари боғланган. Қолган 64 та почта алоқаси бўлимларини компьютерлаштириш ва имкон даражасида тизимга боғлаш ишлари давом этмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

Жамиятнинг корпоратив компьютер тармоғига боғланган почта алоқаси объектлари ҳақида маълумот

№	Филиаллар номи	Компьютерлаштирилган почта алоқаси объектлари сони			Компьютерлаштирилмаган почта алоқаси объектлари сони		
		Жами	Боғлама	Бўлим	Жами	Боғлама	Бўлим
1	Қорақалпоғистон	119	14	105	0	0	0
2	Андижан	114	9	95	0	0	0
3	Бухоро	125	12	113	1	0	1
4	Жиззах	83	6	77	0	0	0
5	Қашқадарё	174	14	160	0	0	0
6	Навоий	61	6	55	0	0	0
7	Наманган	140	12	128	0	0	0
8	Самарқанд	195	16	179	20	0	20
9	Сирдарё	75	9	66	0	0	0
10	Сурхондарё	110	15	95	15	0	15
11	Тошкент	183	19	164	1	0	1
12	Фаргона	147	19	128	27	0	27
13	Хоразм	78	12	66	0	0	0
14	“Тошкент почтамти”	117	2	115	0	0	0
	ЖАМИ	1 711	165	1 546	64	0	64

Изоҳ: - 1 775та ПАОдан 1 711 таси компьютерлаштирилган (1 775-64=1 711);

- компьютерлаштирилмаган 64та почта алоқа бўлимлари зарур компьютер техникалари билан қуйидагилар сабабли таъминланмаган;

- айрим почта алоқаси бўлимлари (АБ)нинг бино ва хоналари хавфсизлик талабларига жавоб бермаслиги ёки биноси йўқлиги;

- почта алоқаси бўлимларининг электр таъминоти ўта қониқарсиз даражада эканлиги;

- почта алоқаси бўлимларини ишончли маълумот узатиш каналлари билан таъминлаш имконияти йўқ.

Ушбу масала юзасидан “Ўзбектелеком” АК билан ҳамкорликда почта алоқаси бўлимларини маълумот узатиш каналлари билан таъминлаш имкониятлари ўрганиб чиқилди ва бирламчи харажатлар ҳажми аниқланган ва почта алоқа бўлимларини зарур каналлар билан таъминлаш бўйича ишлар босқичма-босқич олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда Жамият билан 210-тадан ортиқ ташкилотлар ўртасида гибрид почта хизматларини кўрсатиш юзасидан шартномалар имзоланган.

Мазкур ташкилотлардан электрон кўринишда келиб тушган почта жўнатмалари туман ва шаҳар почта алоқаси боғламаларида қоғоз кўринишида чоп этилмоқда ва адресатларга етказиб берилмоқда. Бунинг натижасида гибрид почта жўнатмаларини етказиб бериш муддатлари қисқаришига эришилди, яъни аввал гибрид почта жўнатмалар энг чекка худуддаги адресатларга 3-5 кун ичида етказиб берилган бўлса, эндиликда 1-2 кун ичида етказиб берилмоқда.

«Ўзбектелеком» АК билан ҳамкорликда Жамиятнинг 1182 та почта алоқаси объектларига оптик толали алоқа линиялари (ОТАЛ) (ш.ж. ПҚ-4921-сон қарорига биноан, “Йўл харитаси”га киритилган 42 та тумандаги 331 та

алоқа бўлимига 730,0 км) тортилган. Бу борадаги ишлар 2024 йилда давом эттирилади.

2021 йил 1-майдан бошлаб тўловларни қабул қилиш ва пул ўтказмалари бўйича Жамиятнинг янги “AVVAL” автоматлаштирилган тўлов тизими (“AVVAL” АТТ) жорий этилган. Мазкур дастур орқали “Электрон пул ўтказмалари”, “Тўловларни қабул қилиш”, “Бухгалтерия 1С” дастурлари янгиланди.

2023 йилда ушбу тизимни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “QR онлайн” тизими билан интеграция қилинди.

Ушбу интеграциянинг амалга оширилиши натижасида тизим доирасидаги мобил иловалардан фойдаланувчилар, савдо ва хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг “QR коди”ни сканерлаш ва харид ёки хизмат кўрсатиш суммасини киритиш орқали тўловларни амалга ошириш имкониятига эга бўлдилар.

Почта алоқаси объектларида банк хизматлари кўрсатишни йўлга қўйиш юзасидан АТ “Алоқабанк” билан ўзаро ҳамкорлик шартномаси имзоланган ҳамда 2021 йил 1-февралдан бошлаб 1711 та почта алоқаси объектларида аҳолига банк карталарини пул маблағлари билан тўлдириш ва нақд пул ечиш бўйича хизматлар кўрсатилиши йўлга қўйилган.

1055 та почта алоқаси объектида “Ягона интерактив давлат хизматлари портали” (ЯИДХП)дан фойдаланилган ҳолда 63 турдаги давлат хизмати кўрсатилиши йўлга қўйилган. ЯИДХПга янги почта алоқаси объектларини боғлаш ишлари 2024 йилда давом эттирилади.

2022 йилда Жамиятнинг янги сайти uz.post ишлаб чиқилди ва уни синов ишлатиш ишлари олиб борилди. 2023 йил охиригача мазкур сайт амалдаги сайт pochta.uz ўрнига тўла фойдалинишга топширилади.

Сайтнинг “Почта хизматидан фойдаланувчилар учун” деб номланувчи қисмида мижозлар учун керакли бўлган маълумотлар ва почта бланкаларини тўлдириш намуналари келтирилган. Сайтда мижозлар учун зарур бўлган “Очиқ маълумотлар” қисми ҳам яратилган. Жамиятнинг ҳудудий филиаллари “Алоқабанк” АТБ ва бошқа банкларнинг 2476та банк терминаллари билан таъминланиб, аҳолига хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган.

2018 йилда Жамият билан “BIZCOM” МЧЖ ўртасида тузилган шартномага биноан “Гибрид почта” тизими дастури “EL-MAKTUB” ишга туширилган. Мазкур тизим орқали “Мажбурий ижро бюроси” қарорлари ва ЙҚХББ қарорларини мижозларга етказиш хизмати кўрсатиб келинмоқда.

Ҳозирги кунда, хизмат кўрсатишни тезлаштириш учун тизимга барча почта алоқаси боғламалари боғланган. 2019 йил 11 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошида ташкил этилган Давлат хизматлари агентлиги билан Давлат хизматлари агентлигига мурожаат этувчиларга юбориладиган ҳужжатларни “Гибрид почта” тизими орқали қабул қилиш, босмадан чиқариш, рўйхатдан ўтказиш, конвертлаш ҳамда турар жойига етказиб бериш бўйича шартнома имзоланган. Бугунги кунда 210 та давлат ташкилотлари (Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Саноат қурилиш банки ва б.ш.ў.)

билан тузилган шартномаларга мувофиқ гибрид почта тизими орқали хабарномаларни юридик ва жисмоний шахсларга етказиш хизмати кўрсатилиб келинмоқда.

Мазкур ташкилотлардан электрон кўринишда келиб тушган почта жўнатмалари туман ва шаҳар почта алоқаси боғламаларида қоғоз кўринишида чоп этилмоқда ва адресатларга етказиб берилмоқда. Бунинг натижасида гибрид почта жўнатмаларини етказиб бериш муддатлари қисқаришига эришилди, яъни аввал гибрид почта жўнатмалар энг чекка ҳудуддаги адресатларга 3-5 кун ичида етказиб берилган бўлса, эндиликда 1-2 кун ичида етказиб берилмоқда.

2024 йилда “Гибрид почта” тизимини кенгайтириш, қўшимча техникалар билан жихозлаш ва ушбу тизим орқали жўнатмаларни (хат-хабарларни) қабул қилиш, босмадан чиқариш, рўйхатдан ўтказиш, конвертлаш ҳамда турар жойига етказиб бериш бўйича янги миқозларни шартнома асосида тизимга боғлаш ва хизмат кўрсатиш ишлари олиб борилади.

“Почта алоқаси объектларини Почтаматлар билан таъминлаш” лойиҳаси

Аҳолига почта алоқаси хизматларидан контактсиз фойдаланишлари учун қулайликлар яратиш мақсадида, ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи автоматлаштирилган комплекслар (почтаматлар)ни босқичма-босқич Тошкент шаҳри, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикаси марказларида аҳоли гавжум жойларга ўрнатиш режалаштирилган.

Почтамат - махсус жўнатмалар ва почта пул ўтказмаларидан ташқари почта жўнатмаларини қабул қилиш, сақлаш ва топшириш учун мўлжалланган автоматлаштирилган ускуна бўлиб, миқозлар учун қулай кун-у тун (24/7) ишлайди ва хизмат кўрсатади.

2021-2022 йилларда миқозлар номига келган почта жўнатмаларини олиш учун мўлжалланган ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи автоматлаштирилган комплекс (почтамат)ларни жорий этиш бўйича 180та почтаматлар сотиб олинди ва улардан 167таси Тошкент шаҳри, вилоят ва туман марказларининг аҳоли гавжум жойларига ўрнатилди. 2023 йилда 13та почтаматлар таркибий филиаллар ва “Халқаро почтамт” филиалининг ҳудудига ўрнатилади ва жами фойдаланишга топширилган почтаматлар сони 180 тага етказилди.

Сотиб олинган почтаматларни Жамият таркибидаги 15 та филиалларга тақсимланиш рўйхати 1-жадвалда келтирилган.

Лойиҳанинг мақсади:

- кўрсатилаётган хизматлар кўламини кенгайтириш, шу жумладан онлайн савдо орқали буюртма асосида харид қилинган ва жўнатишган товарларни қабул қилишга имкон яратиш;

- жўнатмаларни саралаш ва уларга ишлов бериш тезлигини ошириш;

- ўз-ўзига хизмат кўрсатишни амалга ошириш;

- етказиб беришни ташкил қилиш (охирги миля) харажатларини камайтириш;

- почта хизмати харажатларини камайтириш;

- почта жўнатмаларини 24/7 режимида мижозга қулай жойга етказиб берилишини ташкил этиш.

Лойиҳани молиялаштириш Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси (АКРТЖ)нинг беғараз маблағлари ҳисобидан 2022 йилда амалга оширилиши кўзда тутилган (лойиҳа АКРТЖга тақдим этилган лекин молиялаштириш кечиктирилган).

Лойиҳани ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш учун Жамиятнинг ўз маблағлари ҳисобидан шартнома имзоланди ва почтаматларни 4 456,0 млн.сўмга харид қилиш ишлари амалга оширилди.

2-жадвал

Лойиҳа бўйича сотиб олинган почтаматларни Жамият таркибидаги филиалларга тақсимлаш жадвали

Т/р	Филиал номи	2021 йилда берилган почтаматлар сони	2022 йилда берилган почтаматлар сони	2023 йилда берилган почтаматлар сони	Жами почтаматлар сони
1	Қорақалпоғистон	4	4	1	9
2	Андижон	4	4	1	9
3	Бухоро	4	9	0	13
4	Жиззах	4	3	1	8
5	Қашқадарё	4	4	1	9
6	Навоий	4	4	1	9
7	Наманган	4	5	1	10
8	Самарқанд	4	9	1	14
9	Сурхондарё	4	4	1	9
10	Сирдарё	4	4	1	9
11	Тошкент вилояти	6	5	1	12
12	Фарғона	4	8	1	13
13	Хоразм	6	4	1	11
14	Тошкент почтамати	15	29	0	44
15	Халқаро почтама	0	0	1	1
	Жами:	71	96	13	180

Лойиҳани жорий этиш натижасида:

- жўнатма ва бошқа товарларни вақтинча сақлаш хизматларини тақдим этишга (почтаматлардаги сақлаш камерасини ишлатиш орқали);
- почта соҳаси даромадларини ўртача 10 фоизга оширишга эришилади.

IX. Почта хавфсизлигини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 7 ноябрдаги махсус қарорига асосан “Ўзбекистон почтаси” АЖда почта хавфсизлиги хизмати (ПХХ) ташкил этилган.

Почта хавфсизлиги Ўзбекистон Республикаси хавфсизликни таъминлаш тизимининг таркибий қисми ҳисобланади. ПХХ “Ўзбекистон почтаси” АЖ почта хавфсизлиги бўлими, почта алоқасининг ҳудудий (вилоят) филиаллари, “Тошкент почтамти” ва “Халқаро почтамт” филиаллари почта хавфсизлиги бўлинмаларидан иборат. Жамият ва ҳудудий филиалларда 3 тадан, халқаро почтамт филиалида 9 та ҳамда EMS тезкор почта филиалида 1 та почта хавфсизлиги штат бирликлари мавжуд.

ПХХнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

- почта алоқаси объектлари ва тармоғининг хавфсиз ва барқарор фаолият юритишини таъминлашга йўналтирилган чораларни ишлаб чиқиш ва ташкил қилиш;

- почта жўнатмаларида курол, портловчи қурилмалар, бактериологик, радиоактив, захарли ва бошқа юборилиши тақиқланган моддаларни юборилиши ҳолатларини аниқлаш ва олдини олишга йўналтирилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- почта алоқаси объектларида назорат-рухсатнома билан ўтказиш режими талабларини бажарилишини таъминлаш;

- почта жўнатмалари ҳамда пул маблағларини қабул қилиш-топшириш ва ташишда, сақлаш ва ишлов бериш жойларида технология меъёрлари ва талабларига риоя қилиниши устидан назорат қилиш;

- почта қоидалари, Умумжаҳон почта иттифоқи регламент ва Конвенцияларини бузилиш ҳолатлари, яъни почта жўнатмалари жойланмаларининг шикастланиши, йўқотилиши, ўғирланиши, пул ўтказма маблағларининг ўзлаштирилиши, камомадига йўл қўйилган ҳолатлар бўйича хизмат текширувларини ташкил этиш;

- давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан почта алоқаси хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича ҳамкорлик қилиш.

Амалий жиҳатдан почта жўнатмаларига ишлов бериш ва саралаш ходимларнинг барчаси шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланган.

Почта жўнатмаларини қабул қилиш ва уларга ишлов бериш жойлари қуруқ хлор кукуни, сув, хўжалик совунлари ва алоҳида шубҳали почта жўнатмаларини ажратиб қўйиш воситалари билан таъминланган.

Почта хавфсизлигини ташкил қилиш ва таъминлаш масалалари бўйича портловчи қурилмалар, бактериологик, радиоактив, захарли ва бошқа хавфли моддалар аломатларига эга бўлган шубҳали почта жўнатмалари аниқланганда ўзаро ҳамкорликдаги ҳаракат режалари ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси ИИБ, ФВВ, ДХХ, ССВ ҳудудий бўлинмалари билан келишилган. ФВВ, ИИБ, СЭОваЖСХ билан биргаликда почта алоқаси объектларида “Хавфли почта жўнатмаси аниқланганда, ходим ва

рахбарларнинг ҳаракатлари” мавзулардаги махсус-тактик ўқув машғулотларнинг ўтказилиши жорий қилиниб, машғулотлар давомида почта алоқаси объектлари ва юқорида келтирилган идоралар бўлинмаларининг ўзаро ҳамкорликдаги ҳаракати ишлаб чиқилган ва ижроси таъминланиб борилмоқда.

Почта хавфсизлиги бўлинмаларини йўриқнома материаллари билан таъминлаш мақсадида жойларга қуйидагилар юборилган:

- шубҳали почта жўнатмаларини аниқлаш бўйича эслатма;
- шубҳали почта жўнатмалари аниқланганда почта алоқаси ходимининг ҳаракати бўйича эслатма;
- шубҳали почта жўнатмалари аниқланганда ахборот узатиш тизими бўйича эслатма;
- портловчи қурилмалар аломатлари мавжуд бўлган почта жўнатмаларини аниқлаш бўйича йўриқнома.

Почта хавфсизлиги хизмати ташкил қилингандан бошлаб, уни мустаҳкамлаш ишлари ҳар беш йилда Вазирлик томонидан маъқулланадиган беш йиллик дастур асосида амалга оширилиб келинмоқда. Навбатдаги яъни, “Ўзбекистон почтаси” АЖ томонидан тасдиқланган “2020 йилгача почта хавфсизлигини мустаҳкамлаш дастури”нинг бажарилишини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, “Ўзбекистон почтаси” АЖ ва Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси ўртасида уч томонлама шартномага тузилган. Ушбу шартномага муовофик лойиҳа доирасида почта жўнатмалари жойланмаларида ҳамда почта алоқаси объекти ҳудудига кириб келаётган автомобилларда хавфли ва тақиқланган моддаларни аниқлаш учун 2021 - 2022 йиллар давомида “Халқаро почтаamt” ва Навоий филиаллари махсус техник назорат ускуналари билан таъминланган.

“Ўзбекистон почтаси” АЖнинг “Халқаро почтаamt” филиали ихтисослаштирилган филиал эканлиги, республика ва халқаро аҳамиятга эга бўлган почта алмашинувини таъминланишини инобатга олиб, ушбу филиалда почта хавфсизлигини юқори даражада мустаҳкамлаш учун мавжуд таҳдидларни техник назорат воситалар ёрдамида олдини олиш имкониятлари яратилган.

Жумладан, портловчи моддаларни зич ўровда почта жўнатмаси орқали жўнатиш хавфини аниқлаш учун – **“Крот-НД 10”** кўриш қийин бўлган жойларни тезкор назорат қилиш қурилмаси билан таъминланди. Почта жўнатмаларини почта хавфсизлиги бўйича назорат қилиш жараёнида почта жўнатмаларини (катта юклар, катта ҳажмдаги почта жўнатмалари) кўриш қийин бўлган жойларни назорат қилиш зарурияти юзага келади. Рентген қурилмалари почта жойланмаларини аниқ равшан қилиб кўрсата олмайдилар. “Крот-НД 10” почтани текширишда, шунингдек, транспорт воситаларининг ички ва ташқи томонини текшираётганда аниқ кўринмайдиган ва яширин жойларни тезкор кузатиш учун мўлжалланган. Техник видеоскоп махсус қўлланиладиган оптик қурилма ҳисобланади. Қурилма оптик элементларнинг ёрдами билан юкни, юкларнинг таркибий қисмларини ва бўшлиқларни,

автомобиль, темир йўл, хаво ва денгиз транспорти контейнерларини ичидаги нарсаларни кўрсатади, шу жумладан портлаш хавфи бўлган ҳудудларда ҳам хавфсиз ишлаган ҳолда кўриш қийин бўлган жойларни визуал текширишни таъминлайди.

- **“NUCTECH CX100100DB”** интроскоп посилка ва бандеролларни текшириш учун идеал ускунадир. Икки проекцияли технология текшириш вақтини қисқартиради. Шу каби моделлар ичида энг кичик сирт майдонига эга. Конвеер 60 см баландликгача туширилган, конвеернинг юк кўтариши эса 220 кг.га оширилган, туннел ўлчамлари 100смx100см. **“NUCTECH CX100100DB”** интроскопи аэропортлар, божхона терминаллари, юк ташувчилар, почта хизматлари учун мўлжалланган ва ҳар хил ўлчамдаги юкларни текширишда юқори даражада хавфсизлик талаб қилинадиган жойларда ишлатилиши мумкин. **“NUCTECH 100100Vis”** интроскопи иккита 160 кВт генераторлар билан жиҳозланган, у 90 градуслик бурчак остида жойлашган, объектни горизонтал ва вертикал текшириш имконини беради. Ушбу махсус сканерлаш усули зич ўралган юкларни синчиклаб текширишни осонлаштиради ва текшириш вақтини қисқартиради.

- **“MV-PD030001-01 Автотранспорт воситаларининг таг қисмини текшириш тизими”** автомобил транспорти орқали курул, портловчи ва наркотик моддалар олиб ўтилиши хавфларини барвақт аниқлаш имконини берувчи стационар мажмуадан иборат тизим. **“MV-PD030001-01”** сўнгги технологияларини қўллаш орқали курул, портловчи моддалар, наркотик моддалар ва контрабандани бир неча сония ичида аниқлаши мумкин, шунингдек транспортнинг техник камчиликлари тўғрисида (занг, механик шикастланиш ва ҳ.к.) хабардор қилади. Ойна ёки кўриш учун чуқурлик каби анъанавий усуллардан фарқли равишда, **“MV-PD030001-01”** назорат ўтиш жойида транспортни кечиктирмасдан, барча автомобил тагининг жуда аниқ тасвирини беради. Ишлатиш соҳалари:

- Аэропортлар, ҳарбий объектлар, элчихоналар, атом электрстанциялари, давлат органлари, чегара ўтиш пунктлари, юқори хавфсизлик талаблари бўлган стратегик аҳамиятга эга объектларни кўриқлаш;
- автотрасса ва тўхташ жойлари ҳудудидан кириш ва чиқиш жойларида хавфсизликни таъминлаш;
- оммавий тадбирларга автомобилнинг кириб келишини назорат қилиш;
- Транспортнинг мобил назорати.

Халқаро почтаamt ва Навоий филиаллари Радиоактив моддаларни почта жўнатмалари орқали юбориш хавфини аниқлаш учун - 2 комплект стационар радиациявий назорат ускунаси (**УРК-PM5000P-02**) билан таъминланди. Мазкур Ускуна радиоактив ва ядровий материалларни аниқлайдиган, йўловчилар ва юкларни турли назорат-ўтказиш пунктларида (вақтинчалик сақлаш омборлари, божхона ва почта омборлари), шунингдек АЭС ва ядровий жараёнли корхоналарни доимий равишда автоматик равишда кузатиш учун мўлжалланган қурилмадир.

УРК-PM5000P-02 тизимининг ўзига хос хусусияти:

- енгил ва товушли тревога сигнализациясига эгаллиги;
- фоннинг табиий ўзгаришига автоматик мослашуви;
- воқеа ҳақидаги маълумотларни архивга ёзиб олиши ва чоп этиш;
- Детектор параметрларига дастурий кириш мумкинлиги;
- ўз-ўзини диагностика қилишнинг ривожланган тизими;
- ядро асбоб-ускуналари учун талабларга жавоб бериши;
- кучланиш ва сигнал кабелларининг чакмоқлардан ҳимояланганлиги;
- масофавий эркин фойдаланиш имконияти мавжудлиги;

Юқорида келтирилган техник назорат воситаларининг иш жараёнида қўлланилиши:

- транспорт воситаларини, юкларни ва почта жўнатмаларини текшираётганда қийин бўлган ва яширин жойларни тезкор назорат қилишни таъминлаш;

- хавфли ва тақиқланган моддалар ва нарсаларни аниқлаш учун катта ҳажмли/ўлчовли почта жўнатмаларини назорат қилиш;

- почта жўнатмалари оқимида радиоактив ва ядровий материалларни узлуксиз автоматик режимда аниқлашни таъминлаш;

- автомобилнинг таг қисмини назорат қилиш, бу эса ўз навбатида қурол, портловчи моддалар, наркотик моддалар ва контрабанда маҳсулотлари каби нарсаларни аниқлаш имконини беради.

Юқоридагилар билан бир қаторда почта хавфсизлиги йўналишда ишловчи раҳбар ва мутахассисларнинг малакасини ошириш, ўзаро тажриба алмашиш ҳамда почта хавфсизлигини мустаҳкамлаш мақсадида, ҳар икки йилда бир мартаба “Ўзбекистон почтаси” АЖ томонидан ҳамкор ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси ИИБ, ФВВ, ДХХ, СЭОваЖСМ мутахассисларини таклиф этган ҳолда **“Почта хавфсизлиги бўйича” ўқув – семинарлари** ўтказиб келинмоқда.

2024 йилда амалга ошириш режалаштирилган ишлар қуйидагилар:

2023/2024 йилларда Жамиятнинг Сурхондарё филиалида почта хавфсизлиги инспекторлари ҳамда бўлим бошлиқлари иштирокида “Почта алоқаси объектларини хавфсиз ва барқарор ишлашнинг таъминлаш ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига амал қилиш” мавзусида ўқув семинар ўтказиш;

Почтани қабул қилиш саралаш, ишлов бериш ишлари билан банд бўлган ходимларни юз ниқоби ва резинали қўлқоп ва бошқа ҳимоя воситалари билан таъминлаш;

2023/2024 йилларда почта хавфсизлигини мустаҳкамлаш мақсадида Почта алоқаси объектларига видео-кузатув тизимлари ҳамда турникет қурилмаларини ўрнатиш;

2024 йилнинг 2-чорагида филиалларнинг почта саралаш ва алмашиш пунктларида фойдаланилаётган рентгентеливизон қурилмаларни техник хизмат кўрсатиш ва профилактик таъмирлашдан ўтказиш;

Барча почта алмашув пунктларида почта жўнатмаларида радиацион нурларни аниқлашда фойдаланилаётган жами 17 дона дозиметрларни давлат стандартидан йиллик кўрикдан ўтказиш;

Кўл метолладетектор қурилмаларини харид қилиш;

Биноларга кириш чиқишни назорат қилиш тизими жамланмаси (СКУД) ҳамда шлагбаумларни харид қилиш ва таъмирлаш;

Боғламаларнинг бош кассалари учун замонавий кўриқлаш сигнализацияларини харид қилиш.

Х. Молиявий фаолият таҳлили

2024 йил учун молиявий натижалар прогнози, ўтган йиллардаги натижалар ва жорий йилдаги бозорнинг фаоллиги таҳлили

2024 йилда (кутиш мумкин бўлган) тахминий ҳисоб-китобларга кўра, жами тушум 484,4 млрд.сўмни ташкил қилади ва ушбу кўрсаткич кейинги ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун асос сифатида қабул қилинган бўлиб, Жамиятни ривожлантиришнинг “реал” варианты сифатида кўриб чиқилмоқда. Бу ўз ўрнида, почта хизматлари бозоридги рақобат шароитларида лойиҳалаштирилаётган хизматлардан сезиларли молиявий оқимларни кўпайтириш имконини беради.


Даромадлар ҳажми

(минг.сўм)


т/р	Даромад кўрсаткичлари	2023 йилда (кутилаётган)	Умумий даромаддаги улуши %	2024 йил (бизнес-режа)	Умумий даромаддаги улуши %	2023 йилга нисбатан %
1	Ёзма-хат хабарлар	39 535 990	10,9	40 553 461	9,0	103
2	Пул ўтказмалари	4 020 263	1,1	3 657 732	0,8	91
3	Посилка	21 719 860	6,0	21 726 472	4,8	100
4	Даврий нашлар	19 882 803	5,5	16 094 990	3,6	81
5	Молиявий хизматлар	28 556 602	7,9	36 344 866	8,1	127
6	Экспорт (МПО)	143 654 991	39,5	159 442 048	35,4	111
7	Курьерлик хизмати	2 241 093	0,6	2 474 503	0,5	110
8	Гибрид почта	92 747 756	25,5	160 593 330	35,6	173
9	Бошқалар	11 172 088	3,1	9 994 675	2,2	95
	Жами	363 531 446	100	450 882 077	100	124
15	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	28 476 500		22 648 018		80
16	Молиявий фаолият бўйича даромадлари	16 182 592		11 861 403		72
	Ҳаммаси	408 190 538		484 431 769		119

2023 йилда кутилаётган

(фоизда)



2024 йил учун режа



Бизнес-режа харажатлари


(минг.сўм)

№	Кўрсаткичлар номи	2023 йил кутилаётган	2024 режа	Ўсиши %
1	Иш ҳақи фонди	177 065 990	228 856 174	129
2	Ижтимоий ажратма 12%	24 330 563	32 577 028	134
3	Асосий воситалар амортизацияси	10 471 480	11 202 938	107
4	Материал	10 135 492	9 991 314	99
5	Эҳтиёт қисмлар	1 872 872	1 925 318	103
6	Электр энергияси	2 095 486	2 774 145	132
7	Электр алоқа хизматлари	2 771 874	3 037 895	110
8	Биноларни таъмирлаш (Обод қишлоқ)	558 486	1 217 015	218
9	Автотранспортларни таъмирлаш	1 181 755	1 432 477	121
10	Ёқилғи (бензин, дизель, газ)	4 973 891	5 841 853	117
11	Почтани марказлашган ташуви	9 811 983	11 825 933	121
12	Ижара харажатлари	5 482 434	5 077 878	93
13	Коммунал тўлов хизмати харажатлари	705 353	955 797	136
14	Қўриқлаш ва сигнализация харажатлари	1 233 548	1 529 921	124
15	Хизмат сафари харажатлари	1 332 645	1 401 732	105
16	Идора ва хўжалик моллари харажати	2 661 152	2 923 069	110
17	Бланкалар	1 879 959	2 152 126	114
18	КБТЭБ эскириши (МБП)	8 277 005	1 843 154	22
19	ҚҚС фарқи	85 682	94 370	110
20	Почта хавфсизлиги харажати	66 745	79 252	119
21	ХПА харажати (импорт)	44 398 866	49 623 365	112
22	Товарларни сотиш харажатлари	1 682 775	1 639 915	97
23	Бир марталик рағбатлантириш	13 191 699	18 244 955	138
24	Моддий ёрдам	6 661 706	8 820 573	132
25	Кўп йиллик хизматлари учун тўлов	9 744 690	12 898 870	132
26	Касаба уюшмасига ажратма	1 665 827	1 714 948	103
27	Банк хизмати	6 380 905	8 402 935	132
28	Хомийлик	53 333	60 000	113
29	Солиқлар	7 550 877	8 683 676	115
30	Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси	3 282 232	3 458 604	105
31	Реклама	485 547	1 220 595	251
32	Бошқа харажатлар	27 625 901	28 918 257	105
	ЖАМИ	389 718 752	470 426 082	121

2024 йил учун жами харажатлар **470,4 млрд. сўмни** ташкил қилади, бу кўрсаткич 2023 йилга нисбатан **21 фоизга** кўпайиши кутилмоқда. Жамият ходимларининг ойлик иш ҳақларини 2023 йилга нисбатан 29 фоизга ошириш режалаштирилган. Бунда асосий ишлаб чиқариш билан боғлиқ ходимларнинг ойлик маошларини ошириш кўзда тутилган. Хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган асосий воситаларни қайта баҳоланиши ва сотиб олиниши ҳисобига амортизация ажратмаси 2023 йил тасдиқланган бизнес-режага нисбатан 7%га оширилган. 2020 йилда Президентнинг 4921-сонли Қарори доирасида бино иншоотларни таъмирлаш ишлари амалга оширилганлиги сабабли 2023 йил тасдиқланган бизнес-режага нисбатан 2,0 баробарга ошган. Энергия ресурслари нархларнинг ошиши ва янги почта алоқаси объектларнинг очилиши ҳисобига 2023 йилга нисбатан 32%га оширилган. Янги турдаги автотранспорт воситалари хариди амалга оширилганлиги сабабли эҳтиёт қисмлар нархлари ва хизмат кўрсатувчи корхоналар томонидан таъмирлаш нархлари ошганлиги 2023 йилга нисбатан 21%га кўпайган. Ёқилғи мойлаш маҳсулотларининг бозор нархлари ошиши ҳисобига 2023 йилга нисбатан 17%га оширилган. Почтани ташиш харажатлари нархларининг ошиши ҳисобига 2023 йилга нисбатан 21%га оширилган. Туман почта алоқаси боғламалари ва ёпилган алоқа бўлим фаолиятлари тикланиши ва коммунал хизматлар ҳисобига 2023 йилга нисбатан коммунал хизматлар 36% оширилган. Қўриқлаш ва сигнализация харажатларининг нархлари ошиши ҳисобига 2023 йилга нисбатан 24%га оширилган. Жойларда хизмат сифатини яхшилаш мақсадида ўрганишлар ўтказиб турилиши ҳисобига хизмат сафари харажатлари 2023 йилга нисбатан 5%га оширилган. Почта хавфсизлиги талабларига тўлиқ жавоб берадиган кузатув камераларини янгилаш мақсадида 19%га оширилган. Давлат томонидан белгиланган байрамларда бериладиган бир марталик рағбатлантиришлар, кўп йиллик хизматлари учун кўшимча тўловлар барча филиалларда тўлаш йўлга қўйилганлиги ҳисобига 2023 йил учун бу тўловлар миқдори оширилган. Тўловларни қабул қилиш ошиши ҳисобига банк хизматлари харажати 2023 йилга нисбатан 32%га оширилган. Почта алоқаси соҳасида олиб борилаётган ўзгариш ва янгиликларни аҳолига етказиб туриш ҳамда ребрендинг ишларини жадал суратларда амалга ошириш мақсадида реклама харажати 2023 йилга нисбатан 2,5 баробарга оширилган.

Харажатлар динамикаси

(минг сўмда)



Ўзгарувчан ва доимий харажатлар

(минг сўм)

Харажат кўрсаткичлари	2023 йил (кутилаётган)	2024 йил (бизнес-режа)	2023 йилга нисбатан %
Ўзгарувчан харажатлар: Ишлаб чиқариш таннархи	268 325 627	326 295 944	122
Доимий харажатлар: Давр харажатлари	121 393 125	144 130 139	119
<i>шу жумладан:</i>			
<i>маъмурий</i>	59 698 963	65 677 650	110
<i>бошқа операцион</i>	61 694 162	78 452 488	127
Жами	389 718 752	470 426 082	121

Ўзгарувчан харажатлар - ишлаб чиқарилган маҳсулот сонига нисбатан тўғри пропорционал ўзгарадиган харажатлар. Масалан, маҳсулотнинг икки баробар ошиши умумий ўзгарувчан харажатларни икки баробар ошишига олиб келади, бунда бир маҳсулот харажатлари ўзгармас миқдорлигича қолади.

Ўзгарувчан харажатларга қуйидагилар киради: хом-ашё ва материаллар; ходимларга тўланадиган иш ҳақи; ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари сарфлайдиган электр энергияси ва бошқалар. Бу ҳолда ўзгарувчан харажатлар ишлаб чиқариш таннархи ҳисобланади.

Доимий харажатлар - шундай харажатларки, улар ишлаб чиқариш ҳажмларининг етарли даражадаги кенг диапозонида маълум давр мобайнида ўзгармай қолади. Масалан, доимий харажатларга қуйидагилар киради: бино ва иншоотларнинг амортизацияси, бошқарув персоналнинг иш ҳақи, бошқариш харажатлари, маркетинг харажатлари, офис ва ишлаб чиқариш биноларининг ижараси ва бошқалар. Бу ҳолда доимий харажатлар асосан маъмурий ва операцион харажатларни ўз ичига олган давр харажатлари ҳисобланади.

Асосий воситалар амортизацияси

(минг сўм)

Харажат кўрсаткичлари	2023 йил (кутилаётган)	2024 йил (бизнес-режа)	2023 йилга нисбатан %
Ишлаб чиқариш	8 554 262	9 275 960	108
Маъмурий бошқарув	1 917 218	1 926 978	101
Жами амортизация	10 471 480	11 202 938	107

Солиқлар ва мажбурий тўловлар

(минг сўм)

Т/р	Солиқ ва мажбурий тўлов турлари	2023 йил (кутилаётган)	2024 йил (бизнес-режа)	2023 йилга нисбатан %
1	Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи	1 264 459	1 308 715	104
2	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	24 000 285	31 200 000	130
2.1	шу жумладан: шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб-варақларига ажратмалар	200 002	260 000	130
3	Қўшилган қиймат солиғи	23 162 227	30 219 075	130
4	Акциз солиғи			
5	Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ			
6	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	39 784	53 023	133
7	Юридик шахсларнинг молк-мулкига олинадиган солиқ	4 780 287	5 487 824	115
8	Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи	2 730 805	3 142 830	115
9	Ягона солиқ тўлови			
10	Ягона ер солиғи			
11	Қатъий белгиланган солиқ			
12	Бошқа солиқлар			

13	Мақсадли жамғармага мажбурий тўловлар 3,2%			
14	Ягона ижтимоий тўлов	24 330 563	32 577 028	134
15	Импорт бўйича божхона божи			
16	Маҳаллий бюджетга йиғимлар			
17	Бюджетга тўловларни кечиктирилганлиги учун молиявий жарима			
	Жами бюджетга тўлов суммаси	80 308 410	103 688 495	129

Фойда ва зарар бизнес режаси

(минг сўм)

№	Кўрсаткичлар номи	2023 йил (кутилаётган)	2024 йил (режа)	2023 йилга нисбатан%
1	Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум	363 531 446	450 882 077	124
2	Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннари	268 325 627	326 295 944	122
3	Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари)	95 205 818	124 586 134	131
4	Давр харажатлари	121 393 125	144 130 139	119
5	Маъмурий харажатлар	59 698 963	65 677 650	110
6	Бошқа операцион харажатлар	61 694 162	78 452 488	127
7	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	28 476 500	22 648 018	80
8	Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари)	2 289 194	3 104 013	136
9	Молиявий фаолият бўйича даромадлари	16 182 592	10 901 674	67
10	Молиявий фаолият бўйича харажатлар	16 386 686	11 861 403	72
11	Даромад (фойда) солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар)	2 085 100	2 144 283	103
12	Даромад (фойда) солиғи	1 264 459	1 308 715	104
13	Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)	820 641	835 568	102

2024 йилда 835,6 млн.сўм миқдорда соф фойда олиш режалаштирилмоқда. 2023 йилда кутилаётган соф фойда 820,6 млн.сўмни ташкил этиши кутилмоқда.

2024 йилда амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳаларни тўлиқ ишга тадбиқ қилинганда кутилаётган даромад, харажат ва соф фойда кўрсаткичлари ўзгариши мумкин.

№	КЎРСАТКИЧЛАР НОМИ	Жами	шу жумладан чорақлар			
I. ДАРОМАДЛАР						
			I	II	III	IV
1	Ёзма хат-хабарлар	40 553 461	9 913 598	9 937 098	9 939 598	10 763 169
2	Пул ўтказмалари	3 657 732	914 433	914 433	914 433	914 433
3	Посилка	21 726 472	5 394 788	5 399 252	5 399 252	5 533 181
4	Даврий нашрлар	16 094 990	3 941 944	3 986 587	4 093 730	4 072 730
5	Молиявий хизматлар	36 344 866	9 091 351	9 081 083	9 081 083	9 091 351
6	Экспорт (МПО)	159 442 048	36 250 512	37 942 512	40 232 512	45 016 512
7	Курьерлик хизмат	2 474 503	618 626	618 626	618 626	618 626
8	Гибрид почта	160 593 330	40 098 332	40 098 332	40 198 332	40 198 332
9	Бошқалар	9 994 675	2 459 853	2 460 835	2 512 176	2 561 810
10	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	22 648 018	6 202 004	5 512 004	5 422 004	5 512 004
11	Молиявий фаолиятнинг даромадлари	10 901 674	2 725 419	2 725 419	2 725 419	2 725 419
	Жами даромад	484 431 769	117 610 859	118 676 180	121 137 164	127 007 566
II. ХАРАЖАТЛАР						
1	Иш ҳақи фонди	228 856 174	56 713 231	56 712 848	57 714 547	57 715 547
2	Ижтимоий ажратма 12%	32 577 028	7 857 948	7 991 184	8 255 956	8 471 940
3	Асосий воситалар амортизацияси	11 202 938	2 800 734	2 800 734	2 800 734	2 800 734
4	Материал	9 991 314	2 497 828	2 497 828	2 497 828	2 497 828
5	Эҳтиёт қисмлар	1 925 318	481 329	481 329	481 329	481 329
6	Электр энергияси	2 774 145	696 436	690 336	690 636	696 736
7	Электр алоқа хизматлари	3 037 895	759 336	759 486	759 636	759 436
8	Бинология таъмирлаш (Обод қишлоқ)	1 217 015	178 004	443 004	180 504	415 504
9	Автотранспортларни таъмирлаш	1 432 477	347 994	360 994	362 994	360 494
10	Ёқилғи (бензин, дизель, газ)	5 841 853	1 460 938	1 459 538	1 459 938	1 461 438
11	Почтани марказлашган ташуви	11 825 933	2 956 483	2 956 483	2 956 483	2 956 483
12	Ижара харажатлари	5 077 878	1 253 219	1 262 719	1 278 219	1 283 719
13	Коммунал тўлов хизмати харажатлари	955 797	367 315	120 198	115 019	353 265
14	Қўриқлаш ва сигнализация харажатлари	1 529 921	382 480	382 480	382 480	382 480
15	Хизмат сафари харажатлари	1 401 732	350 346	350 346	350 396	350 646
16	Идора ва хўжалик моллари харажати	2 923 069	731 092	730 042	730 442	731 492
17	Бланкалар	2 152 126	532 057	532 007	544 057	544 007
18	КБТЭБ эскириши (МБП)	1 843 154	460 289	460 289	461 289	461 289
19	ҚҚС фарқи	94 370	23 092	23 092	24 092	24 092
20	Почта хавфсизлиги харажати	79 252	19 313	19 313	20 313	20 313
21	ХПА харажати (импорт)	49 623 365	12 405 841	12 405 841	12 405 841	12 405 841
22	Товарларни сотиш харажатлари	1 639 915	409 979	409 979	409 979	409 979
23	Бир марталик рағбатлантириш	18 244 955	2 817 430	3 928 477	5 146 886	6 352 163
24	Моддий ёрдам	8 820 573	2 186 572	2 184 072	2 225 714	2 224 214
25	Кўп йиллик хизматлари учун тўлов	12 898 870	3 304 902	3 170 526	3 210 226	3 213 216
26	Касаба уюшмасига ажратма	1 714 948	424 869	425 369	432 155	432 555
27	Банк хизмати	8 402 935	2 100 646	2 100 696	2 100 746	2 100 846
28	Хомийлик	60 000	15 000	15 000	15 000	15 000
29	Солиқлар	8 683 676	2 170 919	2 170 919	2 170 919	2 170 919
30	Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси	3 458 604	864 876	864 276	864 576	864 876
31	Реклама	1 220 595	306 174	304 974	304 624	304 824
32	Бошқа харажатлар	28 918 257	6 264 279	6 321 576	6 254 814	10 077 588
33	Молиявий фаолият бўйича харажатлар	11 861 403	2 965 351	2 965 351	2 965 351	2 965 351
	Жами харажат	482 287 486	117 106 305	118 301 309	120 573 725	126 306 147

III. МОЛИЯВИЙ НАТИЖА

1	Даромад (фойда) солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар)	2 144 283	504 554	374 871	563 439	701 419
2	Солиқ ва ажратмалар	1 308 715	327 179	327 179	327 179	327 179
3	Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)	835 568	177 375	47 693	236 261	374 240
4	Рентабельность	0,5	0,4	0,3	0,5	0,6

ХІ. “Ўзбекистон почтаси” АЖ фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг замонавий услубларини жорий қилиш чоралари тўғрисида”ги фармонининг ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сон “Давлат улушига эга бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий қилиш тўғрисида”ги қарори билан “Давлат улушига эга бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисида” Низом тасдиқланди.

Самарадорликни баҳолаш мезонлари ўрнатилган даврийликларни ҳисоблайдиган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини ўз ичига олади.

Асосий самарадорлик кўрсаткичлари (кейинги ўринларда АСК) ташкилотнинг ижро этувчи органи фаолиятининг самарадорлигини аниқлаш учун фойдаланиладиган ўлчовларни баҳолаш мезонлари ҳисобланади.

АСК рўйхати ташкилотнинг ваколатли бошқарув органи яъни Кузатув кенгаши қарори билан тасдиқланади.

Баҳолаш мақсадларида ҳар бир АСКга ташкилот учун унинг аҳамиятини акс эттирадиган улуш берилади.

Ҳар бир АСКнинг улуши ташкилотнинг ваколатли бошқарув органи қарорига биноан, унинг фаолияти учун муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Ҳар бир давр учун прогноз (мақсадли) АСК кўрсаткичлари бизнес-режада алоҳида-алоҳида илова сифатида акс эттирилади, бу илова унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Прогноз (мақсадли) АСК меъёрлари ташкилотнинг ваколатли бошқарув органи томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрий қийматдан кам бўлмаган даражада белгиланади (агар кўрсаткич учун қонун ҳужжатларида меъёрий қиймат белгиланган бўлса).

Ташкилотнинг ваколатли бошқарув органи келгуси чоракнинг охиригача прогноз (мақсадли) АСК қийматларини тузатиши мумкин.

2024 йил учун «Ўзбекистон почтаси» АЖ фаолиятининг самарадорлик коэффициентлари прогноз қийматлари тақдим этилади.

1. Активларнинг рентабеллиги

Ташкилот молиявий хўжалик фаолиятининг фойдалилик (зарарлилик) даражасини кўрсатади.

Ушбу норматив Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан паст бўлмаслиги лозим. Ушбу коэффициентнинг прогноз қиймати – 0,05.

Бу кўрсаткич йилига бир марта ҳисоблаб чиқилади, чунки фақат йиллик ҳисобот ҳисоблаш манбаи бўлиб, унга Жамият учун 15%га тенг аҳамиятини

акс эттирадиган улуш берилади.

2. Абсолют ликвидлик коэффиценти

Қисқа муддатли қарз мажбуриятларининг қанча қисмини зарурат туғилганда дарҳол тўланиши мумкинлигини кўрсатади.

Корхонанинг пул маблағларига бўлган минимал эҳтиёжини, ёки абсолют ликвид маблағнинг қанча қисмини Жамият сақлаб тура олишини кўрсатади.

Ушбу коэффицентнинг прогноз қиймати – 0,22.

Бу кўрсаткич ҳар чорақда ҳисоблаб чиқилади ва унга ҳисобот даврида қўлланиладиган барча АСК улушлари йиғиндисидан 20% га тенг бўлган улуш берилади, йиллик қўлланиладиган барча АСК улушлари йиғиндисидан 10% га тенг бўлган улуш берилади.

3. Молиявий мустақиллик коэффиценти

Қисқа муддатли қарз маблағларини ўз маблағлари ҳисобидан қайтара олишини таъминланганлик даражасини белгилайди.

Ушбу коэффицентнинг прогноз қиймати – 1,05-1,08.

Бу кўрсаткич ҳар чорақда ҳисоблаб чиқилади ва унга ҳисобот чорагида қўлланиладиган барча АСК улушлари йиғиндисидан 15% га тенг бўлган улуш берилади, йиллик қўлланиладиган жами АСК улушлари йиғиндисидан 15% га тенг бўлган улуш берилади.

4. Кредиторлик қарздорликнинг кунлик айланмаси

Етказиб берувчи ва пудратчиларга қарзларни ташкилот томонидан қайтариш тезлиги кўрсаткичи. Ушбу коэффицент ташкилот ўзининг кредиторлик қарздорлигининг ўртача миқдорини неча кунда тўлашини кўрсатади.

Ушбу коэффицентнинг прогноз қиймати– 90 кун.

Бу кўрсаткич ҳар чорақда ҳисоблаб чиқилади ва унга ҳисобот даврида қўлланиладиган барча АСК улушлари йиғиндисидан 20% га тенг бўлган улуш берилади, йиллик қўлланиладиган барча АСК улушлари йиғиндисидан 10% га тенг бўлган улуш берилади.

5. Дебиторлик қарздорликнинг кунлик айланмаси

Ташкилотнинг дебиторлик қарздорлигини тўланиш тезлигини ўлчайди, ташкилот ўзининг харидорларидан сотилган товарлар (ишлар, хизматлар) учун тўловни қанчалик тез олишини ўлчайди.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги 90 кун муддатга бериладиган қарздорликни ҳисоблаб чиқаради.

Ушбу кўрсаткичнинг прогноз қиймати – 90 кундан ортиқ эмас.

Бу кўрсаткич ҳар чорақда ҳисоблаб чиқилади ва унга ҳисобот чорагида қўлланиладиган жами АСК улушлари йиғиндисидан 20% га тенг бўлган улуш берилади, йиллик қўлланиладиган жами АСК улушлари йиғиндисидан 10% га тенг бўлган улуш берилади.

6. Қопланиш (тўлов қобилияти) коэффиценти

Бу ташкилот қарздорлар билан ҳисоб-китобларни вақтида ва тайёр маҳсулотни қулай сотиш билан эмас, балки жорий (айланма) активларнинг бошқа элементлари билан ҳисобга олинган ҳолда баҳоланадиган ташкилотнинг қисқа муддатли мажбуриятларининг тўлов имкониятларини кўрсатади.

Ушбу кўрсаткичнинг прогноз қиймати 0,80-1,28.

Бу кўрсаткич ҳар чорақда ҳисоблаб чиқилади ва унга ҳисобот чорагида қўлланиладиган жами АСК улушлари йиғиндисидан 25% га тенг бўлган улуш берилади, йиллик қўлланиладиган жами АСК улушлари йиғиндисидан 15% га тенг бўлган улуш берилади.

7. Дивидендга чиқиш

Ташкилот соф фойдасининг қанча қисми оддий акциялар бўйича дивидент тўловига йўналтирилишини кўрсатади. Жорий даромад, яъни ташкилот капитали қийматининг ўсишини ҳисобга олмаган ҳолдаги акциядорнинг даромади ўлчови ҳисобланади.

Мазкур норматив Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан паст бўлмаслиги лозим

Ушбу коэффицентнинг прогноз қиймати – 0,10.

Бу кўрсаткич йилига бир марта ҳисоблаб чиқилади, чунки фақат йиллик ҳисобот ҳисоблаш манбаи бўлиб, унга Жамият учун 15%га тенг аҳамиятини акс эттирадиган улуш берилади.

8. Дебиторлик қарздорликни камайиш кўрсаткичи (белгиланган вазифага нисбатан %да)

Кўрсаткич дебитор қарздорлик камайишининг хақиқий кўрсаткичини прогнозга нисбати сифатида тавсифлайди.

Ушбу коэффицентнинг прогноз қиймати – 0,10.

Бу кўрсаткич йилига бир марта ҳисоблаб чиқилади, чунки фақат йиллик ҳисобот ҳисоблаш манбаи бўлиб, унга Жамият учун 10%га тенг аҳамиятини акс эттирадиган улуш берилади.

9. Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи

Кўрсаткич, сотишдан тушган тушумнинг Жамият ходимларининг ўртача сонига нисбатан аниқланади.

Мазкур коэффицентнинг прогноз қиймати – 22 000 сўм.

Ушбу кўрсаткич йилига бир марта ҳисоблаб чиқилади, чунки фақат йиллик ҳисобот ҳисоблаш манбаи бўлиб, унга Жамият учун 20%га тенг аҳамиятини акс эттирадиган улуш берилади.

10. Сармоядорлик самарадорлигининг кўрсаткичи

Кўрсаткич савдодан тушган тушум асосий воситаларнинг ўртача қийматига нисбати сифатида тавсифланади.

Ушбу коэффицентнинг прогноз қиймати – 5,5%.

Бу кўрсаткич йилига бир марта ҳисоблаб чиқилади, чунки фақат йиллик ҳисобот ҳисоблаш манбаи бўлиб, унга Жамият учун 20%га тенг аҳамиятини акс эттирадиган улуш берилади.

11. Ходимларни ўқитиш харажатлари, бир ходим учун

Кўрсаткич ходимларни ўқитиш харажатларининг Жамият ходимларининг ўртача сонига нисбати сифатида тавсифланади.

Ушбу коэффициентнинг прогноз қиймати – 22 000 сўм.

Бу кўрсаткич ҳар чорақда ҳисоблаб чиқилади ва унга ҳисобот чорагида қўлланиладиган жами АСК улушлари йиғиндисидан 25% га тенг бўлган улуш берилади, йиллик қўлланиладиган жами АСК улушлари йиғиндисидан 10% га тенг бўлган улуш берилади.

12. Экспорт параметрларини бажарилиш кўрсаткичи

Кўрсаткич тегишли давлат дастури ёки ташкилот бошқарув органи томонидан белгиланади.

Ушбу коэффициентнинг прогноз қиймати – 100% давлат дастурида тасдиқланган.

Бу кўрсаткич ҳар чорақда ҳисоблаб чиқилади ва унга ҳисобот чорагида қўлланиладиган жами АСК улушлари йиғиндисидан 75% га тенг бўлган улуш берилади, йиллик қўлланиладиган жами АСК улушлари йиғиндисидан 50% га тенг бўлган улуш берилади.

“Ўзбекистон почтаси” АЖ фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари жадвали
асосий самарадорлик кўрсаткичлари

№	Кўрсаткич	I квартал		Ярим йиллик		9 ойлик		Йиллик	
		Салмоқ ўлчови	Прогноз (мақсадли) қиймат	Салмоқ ўлчови	Прогноз (мақсадли) қиймат	Салмоқ ўлчови	Прогноз (мақсадли) қиймат	Салмоқ ўлчови	Прогноз (мақсадли) қиймат
1	Ўз активларининг рентабеллиги	-	-	-	-	-	-	15,00	0,05
2	Абсолют ликвидлик коэффиценти	20,00	0,22	10,00	0,22	10,00	0,22	10,00	0,22
3	Молиявий мустақиллик коэффиценти (ўз маблағлари)	15,00	1,05	15,00	1,06	15,00	1,08	15,00	1,08
4	Кредиторлик қарздорликнинг кунлик айланмаси	20,00	90,00	25,00	90,00	25,00	90,00	10,00	90,00
5	Дебиторлик қарздорликнинг кунлик айланмаси	20,00	90,00	25,00	90,00	25,00	90,00	10,00	90,00
6	Қопланиш коэффиценти (тўлов қобилияти)	25,00	0,80	25,00	0,80	25,00	0,90	15,00	1,28
7	Дивидендга чиқиш	-	-	-	-	-	-	15,00	0,10
8	Дебиторлик қарздорликни камайиш кўрсаткичи (белгиланган вазифага нисбатан %да)	-	-	-	-	-	-	10,00	0,10
	ИКЭ - ўртача салмоғи АСК	100,00		100,00		100,00		100,00	

*) Молиявий ҳисоботлар Халқаро стандартлар бўйича чоп этилгандан сўнг тўлдирилади

“Ўзбекистон почтаси” АЖ фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари жадвали
қўшимча муҳим самарадорлик кўрсаткичлари

№	Кўрсаткич	1 чорак		Ярим йиллик		9 ойлик		Йиллик	
		Салмоқ ўлчови	Прогноз (мақсадли) қиймат	Салмоқ ўлчови	Прогноз (мақсадли) қиймат	Салмоқ ўлчови	Прогноз (мақсадли) қиймат	Салмоқ ўлчови	Прогноз (мақсадли) қиймат
		А	В	С	В	С	В	С	В
1	Меҳнат унумдорлиги	-	-	-	-	-	-	20,00	22 000,00
2	Сармоядорлик самарадорлиги	-	-	-	-	-	-	20,00	5,5
3	Ходимларни ўқитиш харажатлари, бир ходим учун	25,00	22 000,00	25,00	22 000,00	25,00	22 000,00	10,00	22 000,00
4	Экспорт параметрларини бажарилиши кўрсаткичи	75,00	100,00	75,00	100,00	75,00	100,00	50,00	100,00
	ИКЭ - АСК ўртача салмоғи	100,00		100,00		100,00		100,00	